

“Хизмат кўрсатиш соҳасини оладиган бўлсак, бу тармоқ ҳам жадал ривожланмоқда. Бу соҳанинг ялли ички маҳсулот таркибидаги улуши 38,5 фоиздан ошгани, жумладан, коммуникация, транспорт ва алоқа тармоқлари бўйича хизмат кўрсатиш ҳажми беш йил мобайнида бир ярим баравар ўсгани бунинг яққол тасдиғидир.

Айниқса, кейинги йилларда телекоммуникация алоқаси ва молия-банк тизимида хизматларнинг янги турлари тез суръатлар билан ривожланаётгани эътиборга сазовор.”

(Президент Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасидан)

ERURSEN SHOH, AGAR OGONSEN SEN, AGAR OGONSEN SEN, SHOHSEN SEN

Хабар

7
-son
17-fevral
www.xabar.cc.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz
2006

О‘ЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАСHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-йил мартдан чиқа бoshлаган

Бу сонда:

2 бем

ЕТТИ ЮЗИНЧИ
УЧРАШУВ

6 бем

ИНФОРМАЦИОННАЯ
БЕЗОПАСНОСТЬ
(проблемы и пути их
решения)

7-10 бем

Xabar-TV

12 бем

КОМПЬЮТЕР САВОДХОНЛИГИ:
ИНТЕРНЕТДА ИШЛАШНИ
НИМАДАН БОШЛАШ
КЕРАК?



Малакали кадрлар —
корхона таянчи

5 бем

ЎЗААА — республика биринчилиги ғолиби



Газетамизнинг ўтган сонидида хабар берганимиздек, 10-13 феврал кунлари Чирчиқ шаҳридаги Олимпия заҳиралари коллежининг спорт аренасида алоқа тизимида кирувчи акциядорлик компаниялар, жамиятлар, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбар ходимларидан тузилган терма жамоалар ўртасида мини-футбол бўйича республика биринчилиги ўтказилди.

(Давоми 15-бетда.)

Интернет
хамкорларимиз



— сифат
рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернет

**Haftalik
xabarlar**

◆ 10 fevral kuni **Ўзбекистон Республикаси** **Вазирлар Маҳкамасининг** 2005 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов** маъруза қилди.

◆ "2005 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида" **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** мажлисининг қарори матбуотда чоп этилди. Қарорда республикамизнинг қатор вазирлик ва йирик компаниялари, кўмиталари жорий йилда бажариши лозим бўлган вазифалар ҳамда аниқ топшириқлар баён этилган.

◆ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов** 13 феврал кuni **Оқсаройда Россия Федерацияси** Федерал мажлисининг **Давлат думаси** раиси **Борис Гризловни** қабул қилди.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида **Ўзбекистон—Россия** муносабатларининг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлаш ҳамда мамлакатимизнинг **Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига** аъзо бўлиши муносабати билан ушбу тузилма доирасида амалга оширилиши лозим бўлган шартномавий-ҳуқуқий жараёнлар билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

◆ Матбуотда «Аҳоли ва ҳудудларни сел-тошқин ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавулда вазиятлардан муҳофиза қилиш ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида» **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори** эълон қилинди.

Қарорда тошқин ва сел оқимлари келтирилиши мумкин бўлган зарарни камайтириш, кўчкиларнинг олдини олиш, уларнинг оқибатларини тезкорлик билан бартараф этиш ва бу борада олиб борилаётган муҳофиза ишлари самарадорлигини ошириш ҳамда бошқа қилиниши лозим бўлган вазифалар белгиланган.

◆ Тошкентда «**Ўзбекистон Республикаси Давлат болалар кутубхонасининг аудиовизуал жиҳозланишини такомиллаштириш**» лойиҳаси бўйича алмашув ноталарини имзолаш маросими бўлиб ўтди. Лойиҳа доирасида Япония ҳукумати кутубхонага **28,6 миллион иена (240 минг АҚШ доллари)** миқдорида бегараз ёрдам ажратади.

◆ Тошкентда «Қимматли қозғолар ликвидлигини ошириш муаммолари ва уларни хорижий фонд биржаларига жойлаштириш» мавзусида халқаро семинар ўтказилди. Тадбирда сўзга чиққанлар **Ўзбекистондаги қимматли қозғолари** эмиссияларининг бирламчи жойлаштирувини Россия ҳудудларида ташкил этиш имкониятлари, шунингдек, акциядорлик жамиятларининг эмиссия қилинган қимматли қозғоларини Москва банклараро валюта биржаси қошидаги фонд биржаси листингига киритиш механизмлари ҳамда бошқа турдаги биржалар интеграцияси истиқболлари хусусида тўхталдилар.

◆ **Ўзбекистон тарихи давлат музейида янги кўргазма** ўтказилди. **Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллигига бағишланган ушбу кўргазмада** имом Бухорий, имом Муторидий, Аҳмад Ясавий, Бурхониддин Марғиноний каби буюк мутафаккирларнинг илмий асарлари, шунингдек, **Хоразм Маъмур академиясида** фаолият кўрсатган кўплаб олимларнинг ҳаёти ва ижодига ҳам кенг ўрин берилган.

◆ Фарғона вилоятида жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишда профилактика инспекторларнинг ролини кучайтириш ва фаолиятларини янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган йилгилик бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққанлар вилоятда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда профилактика инспекторлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорликни янада яхшилашга доир муайян ишлар олиб борилаётганини қайд этди.

◆ **Хоразм вилояти** Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш бош бошқармасида Президентимизнинг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг максад ҳамда моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунириш, ижросини таъминлаш борасидаги вазифаларга бағишланган семинар ўтказилди. Анжуман қатнашчилари ушбу Фармон ижроси касаначиликни ривожлантиришда ва аҳолини иш билан таъминлашда янги имкониятларни ишга солишни таъкидладилар.

Ахборот асри, деб аталаётган бугунги кунда матбуот, радио, телевидениенинг ўрни бекиёс. Айниқса, ахборот глобаллашуви тобора шиддатли тус олаётган пайтда ҳолис, ҳаққоний ва тезкор ахборот етказиш ҳар бир журналистнинг зиммасига жуда катта масъулият юклайди.

Етти юзичи учрашув

Бугун «Xabar» газетасининг 700-sonи (бу йилги 7-sonи) нашрдан чиқди

Ҳозир нима кўп, турли номдаги, ҳажмдаги нашрлар кўп. Узининг доимий ўқувчисини топишга интилаётган ва бу йўлда тинмай изланаётган нашрлар анчагина. Ун тўрт йилдан буён чоп этилаётган «Xabar» ҳам ана шу газеталардан биридир.

Илк тетаполы дамларда дастлаб 8 саҳифада чоп этилган газета кейинчалик турли синовларни, машаққатларни бошидан ўтказди. Унинг адади камайиб, тўрт саҳифада чоп этилиб, бир зумда ўқиб бўлинадиган газетга айланиб қолди. Охириги икки ярим йил ичида эса унинг кўёфаси, кўриниши тубдан ўзгарди, саҳифаларида берилётган материалларнинг ўқишлилиги ҳам ортиб борди.

2006 йилдан буён эса газетамиз 16 саҳифада, рангли бо-силмоқда. Ҳажми ўзгариши бариборида, мавзу доираси ҳам анча кенгайди. Ҳозирда газетанинг турли мавзуларга бағишланган алоҳида саҳифалари бор. Ана шу саҳифалардан ахборот-коммуникация технологиялари мавзусидаги мақолалар, чет эл почта ташкилотлари ҳақидаги материаллар, дунёда содир бўлаётган воқеалар тўғрисидаги энг сўнгги маълумотлар ўрин оляпти. Компютерлаштириш ва ахборотлашти-



ришни ривожлантиришга ҳисса қўиш мақсадида, мана икки йилдирки, газетамизда «Компютер саводхонлиги» рўқни ташкил этилиб, бу борада мутахассислар билан ҳамкорликда компютер дарслари бериб борилмоқда.

Вилоятларимизда меҳнат қўшаётган фидойилар ҳақида, жойларда ўтказилаётган турли тадбирлар тўғрисида хабарлар беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Аммо, шуни ҳам алоҳида таъкидлашимиз керакки, қилган

ишимиздан ҳали амалга оширадиган ишларимиз кўпроқ. Олдимизда қанчадан-қанча доволар, бажариладиган юмушлар, улкан режалар турибди.

Ташкил топганига бир кам ўн беш йил бўлаётган газетамизнинг 700-sonи дунё юзини кўрди. Бир қараганда, йиллар силсила-сида бу оз мuddатдек, сон жиҳатдан жуда камдек туюлади. Бироқ 700-sonга қадар газетамиз ўзининг доимий мухлис-ларига эга бўлди, дея оламиз. Бунда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва унинг вилоятлардаги худудий бошқармалари, соҳамизга қарашли барча корхона ҳамда ташкилотларнинг ҳам муносиб хизмати бор.

Азиз ўқувчилар! Газетамизнинг ҳар бир sonи орқали Сиз билан самимий суҳбатдош, дардингизга ҳамдард, қувончингизга шерик бўлишга интиламиз. Ижодимиз маҳсули — «Xabar» газетаси му-борак жума кuni хонадонингизга кириб бориб, Сизни хушуд этолса, қалбингизда маънавий қониқ-қиш уйғотилса — демак, биз мақсадимизга эришяпмиз.

Газетамизнинг 700-sonи барчамизга қўтуғ бўлсин, азизлар! Етти юзичи мартаба учрашаётганимиздан гоят хурсандимиз.

Тахририят

Ижодий баркамоллик тилаймиз

Давлат алоқа инспекцияси «Xabar» газетаси билан бир неча йиллардан буён ҳамкорлик қилиб келади. Ушбу ҳамкорликнинг самараси ўлароқ, жойларда алоқа ва ахборотлаштириш тизимидаги корхона ва ташкилотлар фаолиятида ижобий ўзгаришларга эришилмоқда. Демократик, газета саҳифаларидан ўрин олаётган танқидий мақолалар мавжуд хато ва камчиликларни аниқлашда, уларни ўз вақтида бартараф этилишида муҳим ўрин тутаяпти.

«Xabar» газетаси сўнгги йилларда сезиларли ютуқларга эришди. Энг аввало, газетанинг янгича кўринишида чиқа бошлаганини, 2006 йилдан бошлаб 16 саҳифада чоп этилаётганини алоҳида эътироф этиш керак. Чунки, газета саҳифаларида янги рўқларга кенг ўрин берилиб, унинг мавзулари доираси янада хилма-хил бўлди. Бунга, албатта, газета жамоасининг самарали ва ижодкорона меҳнатлари ҳамда ишга янгича ёндашувлари эвазига эришилмоқда. «Xabar» жамоаси келгусида ҳам муштарийларга янгида-янги рўқлар остидаги қизиқарли мақолалар тақдим этишига ишонамиз. Бунинг учун уларга куч-қувват ва ижодий баркамоллик тилаймиз.

Газетанинг мазкур sonи йил бошидан еттинчи, умумий sonи эса етти юзичи эканлигида ўзига хос раъзий маъно борлигини, етти рақами қадимдан хосиятли рақам сифатида эътироф этилишини ишонатга олиб, етти юзичи довол тахририят учун улкан муваффақиятлар ва омад келтирилиши тилаб қоламиз!

Давлат алоқа инспекцияси жамоаси

«Xabar»нинг ютуғи нимада?

Бир воявот бор. Унинг мазмуни қуйидагича: майсани, бугдой майсасини босиб ўтиш азалдан қаттиқ тақиқланган. Зеро, майса ўсиб, одамзотнинг ризқига айланади. Ризқни топташ эса энг оғир гуноҳдир. Аммо шундай ҳолатда ҳам майсазорни фақат хабарчиларгина босиб ўтиши мумкин экан. Чунки, чопларлар (уларни қадимда шундай аташган) — миллиатнинг тақдир, юртнинг эртаси билан боғлиқ хабар ва ёрликларни етказишарди. Шу боисдан бўлса керак, сарой эшиклари ҳам уларга доимо очик бўлган.

«Xabar»нинг 700-sonи чиқаётганидан бениҳоя хурсандман! Етти sonи одатда хосиятли рақам ҳисобланади. Шу бугунга қадар газета ўзининг ютуғини топди десам, адашмайман. Чунки бу ютуқ — унинг мухлислари. Ун мингдан зиёд ададда чиқаётган газетга саҳифаларида бугунги замон алоқачиларининг сермашаққат фаолияти ёртилиб борилади. Газетанинг изланувчан ижодкорлари тайёролаётган саҳифаларини кўриб, кўзингиз қувонади. Бугун газетанинг мухлислари сафи янада кенгайиб, унинг тармоқ газетаси эканлиги ҳам «унутилди». Айниқса, газетанинг рангли чиқиши ўқувчиларни ўзига ром этмоқда.

Газета жамоасини ва барча муштарийларини, қолаверса, алоқа ходимларини севимли нашримизнинг 700-sonи билан самимий қўтайман. Савобли, сермашаққат ишларингизда омадлар тилайман.

Фарҳод ўРОЛОВ,
«Ўзбекистон» радиосининг
иқтисодиёт муҳаррири
муҳаррири

ЎЗИМИЗНИНГ ГАЗЕТА

Дарҳақиқат, «Xabar» — ўзимизнинг газета. Бугунги ҳаётимиз, кувончу таъшишларимизни, орзу-ўйларимизни ҳам унда кўрамиз. Саҳифаларини ўқир эканмиз, ўтмиши ва бугундангина хабар топиб қолмай, ҳатто баъзан келажагини ҳам тасаввур қиламиз.

Ҳа, қойил қолиш керак. Газетамизнинг безалиши ҳам мазмун-моҳияти каби ранг-баранг бўлиб бормоқда. Мен яқинда чоп этилган Иззат Аҳмедовнинг «Нобакор фарзанддан асрасин», Лутфилло Турсуновнинг «Веб-сайт: ахборот алмашишининг самарали усули» мақолалари, Собит Аҳадов таржимасидаги детектив асарларни мириқиб ўқиб чиқдим. Соҳамизга тегишли энг сўнгги янгиликлар тўғрисидаги ахборотларни ҳам қизиқиш билан ўқийман. Бўлмасам-чи, телекоммуникация тизими мутахассислари ҳаётдан ортада қолмаслиги керак-да.

Шу ўринда айрим таклифларимни баён этсам. Газетада янги технологияларни жорий этишдаги машаққатлар, улар қандай энгги ўтилгани ҳақида кўпроқ ёзиб турилса, айни мuddао бўларди. Бинобарин, янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш осон кечавермайди. Ўзига яраша қийинчиликлари ва муаммолари бор. Қўтилмаган вазиятлар ва тўсиқлар бизларни синновдан ўтказди. Ноўрин таъна-ю дашнолар эшитсак ҳам узра сўраб тураверамиз. Фарғона шаҳридаги 226-АТС мижозларининг телефон рақамларини янги станцияларга улаш жараёнларида шундай мураккаб ҳолатларни бошдан кечирдик. Қайта улаш жараёнида алоқа узлуксизлигини таъминлаш, янги рақамлаш билан эскисини мувофиқлаштириш масалаларида озмунча тер тўқилмади. Умумий рақамлар қарийб 10000та бўлганидан, иш уч сменада ташкил этилди. Ўндан ортик етакчи мутахассис, муҳандисларимиз бир ҳафтадан ҳам кўпроқ вақт мобайнида уйку нима, ҳаловат нима эканини билмай ишладилар. Демокчанки, «Xabar» газетаси ижодкорлари бизнинг муваффақиятларимизнигина эмас, чеккан азиятларимизни ҳам ёзишса — улардан бениҳоя миннатдор бўлардик.

Азиза АБДУЛЛАЖОНОВА,
«Фарғона Телеком»
филиали бошқарувининг
ишлаб чиқариш
бўлими бошлиғи

Пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «ВымпелКом» («Билайн» савдо белгиси) компаниясининг Ўзбекистон бозорига киришига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда «ВымпелКом» компаниясининг МДХ мамлакатларида бизнесни ривожлантириш бўйича вице-президенти Сергей Авдеев ҳамда «Юнител» масъулияти чекланган жамиятининг бош директорлари — Николаос Манасис ва Евгений Рубанлар иштирок этишди.

«ВымпелКом» Ўзбекистон уяли алоқа бозорида



Йиғилишда «ВымпелКом» томонидан Ўзбекистонда мижозлари сони бўйича иккинчи бўлган уяли алоқа оператори — «Юнител» МЧЖни сотиб олиш бўйича келишув яқунлангани эълон қилинди. Келишув баҳоси 200 миллион АҚШ долларини ташкил этди. «Юнител»нинг 7,7 миллион АҚШ доллари микдоридagi қарзлари ҳам «ВымпелКом» томонидан қoplanди.

Айни пайтда «Юнител» компанияси GSM-900 ва 1800 стандартлари бўйича хизматлар

кўрсатиб келмоқда. Унинг қарийб 364 000 мижози бор. Бу уяли телефондан фойдаланувчиларнинг 31 фоизини ташкил этади.

«Юнител» МЧЖнинг бош директори Николаос Манасис анжуманда сўзга чиқиб, Ўзбекистоннинг уяли алоқа бозорига «Юнител» муносиб ўрин тутишини айтиб ўтди. Компаниянинг саяё-ҳаракатлари билан 2005 йилда мижозлар сони икки бараварга орди. Николаос Манасис компаниянинг янги эгаси

бундан ҳам кўпроқ ишларни амалга оширишига ишонч билдирди. Шундан сўнг минбарга «ВымпелКом» компаниясининг МДХ мамлакатларида бизнесни ривожлантириш бўйича вице-президенти таклиф этилди.

— Ававаломбор, «Юнител» компаниясининг аввалги раҳбариятига компанияни ажойиб ҳолатда ушлаб турганликлари учун раҳмат айтмоқчиман, — деди Сергей Авдеев. — «ВымпелКом» компаниялари гуруҳига Россия ва Қозғистонда хизмат кўрсатади-

ган уяли алоқа операторлари ҳамда яқинда бу гуруҳга қўшилган Украина, Тожикистон ва Ўзбекистон операторлари кирди. «ВымпелКом» компаниялари гуруҳи хизмат кўрсатадиган ҳудудда қарийб 232 миллион киши истиқомат қилади. Ўзбекистоннинг ушбу рўйхатдан ўрин олиши компания имкониятларини янада оширади. Умуман олганда, «ВымпелКом» сўнгги уч йил давомида тўққизта янги компанияни ўзига қўшиб олди. Айни пайтда «Билайн»нинг Россиядаги улуши 34,3 фоизни ташкил этади.

Анжуманда «Юнител» МЧЖнинг янги тайинланган бош директори Евгений Рубан ҳам сўзга чиқди. Унинг таъкидлашича, «ВымпелКом» компанияси Ўзбекистоннинг уяли алоқа бозорини батафсил ўрганиб чиққан. «Ҳозир уяли алоқа мижозлари сони 1,15 миллион нафарни ташкил этади. Бу — мамлакат аҳолисининг 4,4 фоизи шу хизмат туридан фойдаланишини кўрсатади. Демак, мижозлар сонини бир неча баробарга кўтариш учун имкониятлар етарли», — деди мазърузачи. Шунингдек, у Ўзбекистонда келгусида амалга оширилиши кутилаётган ишлар ҳақида ҳам гапириб ўтди.

Мазърузалар яқунланганидан сўнг савол-жавобга ўтилди. Кўпчилик журналистларни қизиқтирган «Юнител» ва «Буз-тел»ни бирлаштириш масаласи тўғрисида Сергей Авдеев ушбу компаниялар кейинчалик бирлашини, бироқ ҳозирча барча ишлар қандай бўлса, шундайлигича қолишини айтиб ўтди. Умуман, компаниядаги катта ўзгаришлар уч ойдан кейингина кўзга ташлана бошлайди.

Лутфилло ТУРСУНОВ

«Ўзбектелеком»
АКнинг «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиалида 2005 йил якуни бўйича Жамоа шартномасининг бажарилишига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда икки томонлама комиссия ахбороти, филиал директори Асрор Эшонхўжаев ва филиал касабаси уюшмаси кўмитаси раиси Асқар Абдуллаевларнинг ҳисоботи тингланди.

Йиғилишда Жамоа шартномасининг барча 58 банди амалда бажарилганлиги таъкидланди.

Филиалда меҳнат муҳофазаси масалаларига, ходимларни моддий рағбатлантириш ва уларнинг саломатлигини тиклашга катта эътибор берилмоқда. Утган йили филиал ходимларининг ўртача ойлик иш ҳақи 129 791 сўмини ташкил этди. «Сихат-саломатлик йили» давлат дастурини бажариш мақсадида бир қатор иш-

Конференция ўтказилди



лар амалга оширилди. Жумладан, 1162 нафар ходим тиббий кўриқдан ўтказилди. Алоқачиларнинг 1927 нафар фарзанди «Алоқачи» ва «Нилуфар» болалар марказларида дам олиб қайтди. Спорт тадбирларига алоҳида эътибор берилиб, мини-футбол бўйича «ТШТ» кубоги учун мусобақалар ўтказилди.

Конференция иштирокчилари йўл қўйилган камчиликлар ва келгусида бажарилиши лозим бўлган масалалар тўғрисида сўз юри-

тишди. Билдирилган таклиф ва мулоҳазалар инobatта олиниб, қўрилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Конференцияда Ўзбекистон касабаси уюшмалари федерацияси раисининг биринчи ўринбосари Мирзохид Содиқов, Республика алоқа ходимлари касабаси уюшмаси марказий кенгаши раиси Тохир Назаржоновлар иштирок этишди.

Ўз мухбиримиз

DUNYO BIR TUGMASHA-YU...



Yangiliklar

Xabarlar

Voqealar

ДАЛАЙ-ЛАМА ҲАМАС
БИЛАН УЧРАШМОҚЧИ

Бир қатор жамоат ташкилотлари ҳамда Беэр-Шев ва Куддус университетларининг таклифига биноан буддавийларнинг маънавий раҳнамоси Далай-Лама беш кунлик ташриф билан Исроилга келди.

У, ўз навбатида, яқинда Фаластин парламенти сайловларида голиб чиққан ҲАМАС аъзоларини зўравонлик ҳаракатларидан воз кечишга чақирди ва уларнинг вакиллари билан учрашишга тайёр эканлигини маълум қилди.

Учрашув яқинда куни Далай-Лама Фаластиннинг Вифлеем шаҳрига борганида амалга ошиши мумкин.

Далай-Ламанинг Исроилга ташрифи расмий аҳамиятга эга эмас — у асосан оммавий тадбирларда иштирок этиб, жамоатчилик вакиллари билан суҳбатлар ўтказиши. Шунга қарамадан, Хитойнинг Тел-Авивга келган консули Исроил ҳукуматига норозилик билдирди.

ЯНГИ ДАЛИЛЛАР

Австралиянинг "SBS" телеканали "Абу-Грейб" қамоқхонасидаги ироқлик маҳбусларни хўрлаш жараёнлари тасвирланган, илгари намойиш этилмаган суратларни эфирга узатди.

Журналистларнинг сўзларига қараганда, ушбу суратлар ҳозир АҚШда давом этаётган суд жараёнида муҳим далил бўлиб хизмат қилиши мумкин.



Лавҳаларда шикастланган ва кучли куйиш жароҳатлари олган асирлар, ҳарбий кийимдаги кишилар уларни итларга талатаётгани ҳамда турли қийноқларга солаётгани акс эттирилган. Тасвирларда АҚШ армияси каптали — туқунларга шафқатсиз муносабатда бўлганликда айбланаётган Чарлз Гранер ҳам бор.

102 Ёшли ОНАХОН
ҲИБСГА ОЛИНДИ

Ироқдаги

урушга қарши намойиш ўтказган америкалик бир гуруҳ кекса аёллар қамоққа олинган. Уларнинг энг ёши улуги — 102 ёшда.



Бу аёллар Мэриленд штатининг Силвер Спринг шаҳридаги чақирув маскани олдида тўпланишган ва ҳарбий хизматга чақирилган неваралари ўрнига ўзларини урушга олиб кетишни талаб қилишганди. Полиция ходимлари аввалига улардан тарқалишни илтимос қилишди, ammo бу фойда бермагач, пенсионерларни қамаб қўйишди.

Сайёрамиз совиб
кетиши мумкин

Россия Фанлар академиясининг Бош астрономия обсерваторияси ходими Ҳабибулло Абдусаматовнинг фикрича, XXI асрнинг ўрталарига бориб, Ерга келаётган Куёш нурларининг камайиши натижасида сайёрамизда глобал микёсда ҳаво ҳарорати совиб кетаркан.

Унинг айтишича, бу каби ҳолат 1645-1705 йилларда Европа, Шимолий Америка ва Гренландияда содир бўлган. Ушанда Голландиядаги барча каналлар музлаб қолган, Гренландияда эса музликлар бостириб келиши натижасида одамлар ўз масканларининг бир қисмини тарк этишга мажбур бўлишган.

Куёшдан ёруғлик таралишининг тебранишлари Ергада иклимий ўзгаришларга сабаб бўларкан. Бу тебранишларнинг таҳлил натижалари ҳозир сайёрамиз глобал исининг энг юқори нуқтасида турганлигини кўрсатмоқда.

Россиялик олимнинг башоратларига кўра, 2012-2013 йилларда Ер ҳароратининг кенг микёсда совishi бошланади. 2035-2045 йилларда Куёш нурлари келиши кескин камайиб, 15-20 йил мобайнида кучли аёз ҳукм суради.

БРИТАНИЯЛИКЛАР
ЧЕКИШГА ҚАРШИ

Британия жамоалар палатасининг аксарият депутатлари жамоат жойларида тамаки чекишга қарши курашиш чораларини кучайтиришни қўллаб-қувватлашди.

Ёз фаслидан бошлаб Буюк Британиядаги қаҳвахоналар, ресторанлар, клублар ва кўпгина бошқа жойларда чекиш қатъий ман этилади. Мазкур қондани бузганлар 200дан 2500 фунт стерлинггача жарима тўлайдилар.

Фақат хусусий муассасалар, қариялар уйлари, шифохоналар, қамоқхона ва меҳмонхоналар ҳудудларида чекишга рухсат этилади.

УКРАИНАДА ШАКАР
ТАНҚИСЛИГИ

15 феврал куни Украина Вазирлар Маҳкамаси шакар экспортини лицензиялаштириш тўғрисида фармойиш чиқарди. Аграр сиёсат вазири Александр Барановский ушбу қарор қабул қилинишини чет эл компаниялари Украина заводларидан жуда кўп микдорда шакар олиб чиқиб кетаётганлиги билан изоҳлаган.

У, агар ўз вақтида чора қўрилмаса, шакар мамлакатнинг ўзига ҳам етмаслигини таъкидлаган. Бир неча кун илгари Украинанинг турли ҳудудларида шакар ва ош тузи савдосида кескин вазиятлар юзага келиб, бу маҳсулотларнинг нархи сезиларли даражада кўтарилиб кетган эди.

Бундай вазият энди Россияда ҳам кузатиляпти. Мутахассисларнинг ҳисоблашларича, шакарнинг нархи мамлакат бўйича бир ҳафтада тахминан 11 фоизга ошган.

ИЖАРА ҲАҚИ ЮЗ
БАРАВАР ОШАДИ

Қирғизистон «Манас» аэропортини банд этиб тургани учун Америка ҳарбий базасидан олинган тўлов микдорини 100 баравар оширмоқчи. "Интерфакс" хабарига кўра, бу ҳақда мамлакат президенти Қурманбек Боқиев маълум қилган.

У, жумладан, ижара ҳақи илгари 2 миллион доллардан сал зиёд бўлганлигини, қайта ҳисоб-китоблардан кейин америкаликлар 207 миллион доллар тўлашлари лозимлигини айтган.

Янги ижара ҳақини белгилашда халқаро меъёрлар — бир гектар ер қанча туришидан тортиб, ушбу савиядаги халқаро аэропортга қарашли бир квадрат метр ер қанча туришигача — барча-барчаси ҳисобга олинган.

ALOQA KORXONALARIDA

Ўн йилдири, “Чирком” — Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси мамлакатимиз телекоммуникация хизматлари базориди фаолият юритиб келмоқда. Ўтган йиллар мобайнида аҳоли ва ташкилотларга телекоммуникация хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш, ахборот-коммуникация соҳасидаги энг сўнгги технологиялар асосида қўшимча хизмат турларини жорий этиш борасида қатор ишлар қилинди. Албатта, бу ишларни амалга оширишда аввало ходимларнинг билим ва малакасига таянилиши барчамизга маълум. Шу билан бирга, уларга хавфсиз ва қулай меҳнат шароитлари яратиб бериш ҳам муҳим масалалардан бўлиб, меҳнат унумдорлиги кўп жиҳатдан бунга боғлиқдир.




Малакали кадрлар — корхона таянчи

“Чирком” ҚҚда уларга алоҳида эътибор берилмоқда

“Чирком” қўшма корхонаси 1996 йилда ташкил топган. Бир йилдан сўнг рақамли тизимга ўтиш бошланди. Хозир корхонада “Alcatel-1000 S12” русумли, умумий ҳажми 19416 рақамга мўлжалланган олти рақамли станция ҳамда 10 минг рақамли битта аналогли автомат телефон станцияси (2-АТС) мавжуд. Станцияларо боғланиш SDH стандарти бўйича оптик-толали “кичик” ва “катта” ҳалқалар ёрдамида 36 километр узунликда амалга оширилган. Улар 5690 каналли 5/6-марказий АТС орқали бошқарилади. Шунингдек, ушбу рақамли станция 2-АТС билан 600та канал бўйича “PCM-30” ускунаси орқали боғланади.

— 26500 нафар мижозга хизмат кўрсатамиз, — дейди “Чирком” қўшма корхонаси шахар телефон тармоғи бошлиғи Жўрабек Егембердиев. — Шаҳар



бўйича учта эксплуатация бригадаси ишлаяпти. Улар аҳолидан тушган аризалар бўйича нозоз телефонларни тузатишади, жорий таъмирлашни амалга оширишади. Хавфли кесилмаларни баргараф этиш ҳам уларнинг зиммасида. Капитал таъмирлаш ишларида эса корхонамизнинг қурилиш бригадаси банд. Бундан ташқари, оптик-толали алоқа линияси ва компрессор сигналли қурилмалар бўйича ҳамда техник қайд этиш ва ривожлантириш бригадалари ҳам бор. Ҳар қайси бригадани ўртача 9-12 киши ишлайди.

Ходимларнинг қай даражада билимга эга эканлиги, зиммаларидаги вазифага масъулият билан ёндашиши корхона раҳбарияти томонидан доимий равишда назорат қилиб борилади. Бу ҳолат меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси сингари омилларни амалга ошириш билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Бу ҳақда корхонанинг меҳнат хавфсизлиги бўйича муҳандиси Бобораҳим Рустамов шундай дейди:

— Ҳар йили компьютер орқали ходимларимизни тест синовларидан ўтказишни йўлга қўйганмиз. Саволлар тўрт йўналишда — электр таъминоти ускуналари ишчилари, шахар телефон тармоғи электромонтёрлари ҳамда кабелчи-пайвандловчилари, АТС ходимлари ва муҳандис-техникларга мўлжалланган бўлиб, ҳар бир қатнашчи ўз мутахассислик


йўналишига оид 16тадан саволга жавоб бериши шарт. Бундан ташқари, оғзаки савол-жавоб ҳам ўтказилади. Бир йилда ўртача 90-110 ходим тест синовларида иштирок этади. Синовдан ўта олмаганларга қайтадан тайёргарлик кўришлари учун икки ҳафта муҳлат берилади. Бундай тадбирларнинг ўтказилиши ходимларнинг билим ва кўникмаларини ошириш билан бирга, турли кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олишда ҳам қўл келади. Умуман олганда, ходимларимиз ўз билим ва малакаларини оширишлари, ишдан кейин бўш пайтларида ўқув марказимизга келиб электрон кутубхонадан, услубий адабиётлардан фойдаланишлари учун етарли шароит бор. Компютерларимиз ягона тармоққа ulangани боис, улардан ҳам барча керакли маълумот, қоида ва қўланмаларни олиш мумкин.

Мутахассиснинг гапларида жон бор. Ҳар бир ишчи, ходимнинг хавфсизлиги учун бевосита раҳбарлар масъулдир. “Чирком” қўшма корхонасининг “Ўзбектелеком” АК ва Ўзбекистон алоқа ходимлари қасаба уюшмаси марказий кенгаши ҳамкорлиқда мунтазам равишда ўтказиб келаётган меҳнат муҳофазаси бўйича кўрик-танловда фаол иштирок этаётганлиги корхонада бу бора-

озик-овқат, монтёрлар — зарур асбоб-ускуналар билан таъминланган.

Бошқа алоқа корхоналарида бўлгани каби, “Чирком” қўшма корхонасида ҳам биринчи галда линия кабел ҳўжалигини сақлаш ва АТСларнинг бенуқсон ишлашига, аҳолини узлуксиз алоқа хизмати билан таъминлашга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Корхона линия кабел ҳўжалигида жами 123та тарқатиш жавонлари мавжуд ва уларнинг барчасига сифат таъминлашга қўрилган ўрнатилган. 1626та телефон қудуқларининг 350таси қулфланиб, 200тасининг қопқоклари пайвандлаб чиқилган. Кабелларни ҳимоялаш учун кўп қаватли биналарга тарқатиш жавонларидан плинтларгача, шунингдек, ҳаво алоқа линияларида жавонлардан симёғочларга чиқиш жойларига тортилган кабеллар темир қопламалар билан бекитилган. Катта сифимли магистрал кабеллар тўлиқ сифат таъминлаштирилган. Улар марказий бошқарув станцияси орқали доимий назорат қилиб турилади. Бундан ташқари, кабелларнинг бутунлигини текшириб бориш учун назорат тизими ўрнатилган.

Шунга қарамадан, айрим қимсалар кабел ўғирлашади ва бундан кўз юмиб бўлмайд.



да. Ўғирликнинг олдини олганлар ёки ўғрини ушлашда ёрдам берганлар корхонанинг қимматбахо совғалари билан тақдирланади. Бундан ташқари, тасдиқланган ҳадвал асосида махсус наватбачи гуруҳлар линия кабел ҳўжалигида ўғирликларнинг олдини олиш мақсадида иш олиб бормоқда.

Чирчиқ шаҳри аҳолиси ва ташкилотлари асосан “Чирком” қўшма корхонасининг Интернет провайдерлик хизматларидан фойдаланади. Бунинг бир қанча сабаблари бор. Масалан, ўтган йили Интернетга ажратилган линия орқали боғланиш — ADSL технологияси жорий этилганлиги сабабли уланиш тезлиги анча ошди ва бир йўла 20тагача мижозни уланиш имкони пайдо бўлди. Интернетда ишлаган вақт учун телефон тарифи ҳисобга олинмаслиги ҳам мижозларни жалб этмоқда, ҳолбуки бошқа провайдерлар хизматидан фойдаланилганда телефон банд қилинган вақт учун ҳам тўловни амалга оширишга тўғри келади.


Албатта, ADSL технологиясининг имкониятлари чексиз. Ҳозирги кунда телефонда суҳбатлашиш билан бир йўла компютер орқали маълумотларни узатиш хизмати ҳам йўлга қўйилган. Шаҳардаги бешта йирик ташкилот ҳозир ушбу хизматдан фойдаланмоқда. Доимий Интернет мижозларининг сони эса 400 нафардан ошди. Онлайн тизими ишлаб турганлиги боис, хизматлар учун тўловни исталган почта алоқаси бўлими орқали амалга ошириш мумкин.

Корхона электрон автомат станциялари аҳолига қуйидаги

қўшимча хизматларни ҳам тақлиф этипти:

1. Парол бўйича алоқа. Телефон линиясига ноқонуний уланишларнинг олдини олиш мақсадида барча шахар ва шахардан чиқиб алоқаси учун шахсий парол ўрнатиш.
 2. Бошқа манзилга ўтказиш. Қўрилган телефон кўнгиросини бошқа телефон рақамига йўналтириш.
 3. Телефон банд бўлганда, бошқа манзилга ўтказиш. Телефоннинг банд бўлганда кириш кўнгиросларини сиз белгиланган бошқа рақамга йўналтириш.
 4. Банд абонент билан боғланиш. Керакли рақам банд бўлганда, тизим автоматик кўнгирос қилиб, сизга хабар беради.
 5. Конференц-алоқа. Бир вақтининг ўзида 5 нафар абонент билан боғланиш.
 6. Долзарб линия. Дастлаб белгиланган абонент билан рақам термасдан уланиш.
 7. Уйғотиш хизмати. Олдиндан белгиланган вақтда телефон жиринглайди.
 8. “Сизни чақиряпти” хизмати. Абонент телефон орқали сўзлашаётганда, бошқа абонент чақираётгани ҳақида сигнал тушади ва наватб билан чақираётган абонент уланади.
- Хуллас, ўз тарихига ёш, сергайрат ходимларни тўплаган “Чирком” қўшма корхонаси жамоаси янгидан-янги хизматларни йўлга қўйиб, мижозларнинг узогини яқин қилмоқда. Бу ерда келгусида хизматлар ҳажмини янада кенгайтириш режалаштирилган.

Собит АҲАДОВ,
“Хабар” муҳбири



даги ишлар анча юқори даражада эканлигидан далolat беради.

Корхонада меҳнат муҳофазаси ва ҳавфсизлик техникаси амалдаги тўрт тизим — ходимларни ўқитиш, ўргатиш ва билимларини текшириш, барча иш жойларида хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, мутахассисларни зарур ҳимоя воситалари билан таъминлаш, уч поғонали назорат самардорлигини ошириш асосида ташкил этилган. Барча ишчилар махсус кийим, кабелчи ва аккумуляторчилар — қўшимча

Улар асосан кўп қаватли биналарнинг томларида, ертўлаларда — қаерда киришга шароит бўлса, ўша ердаги кабелларга зиён етказишаётир. Шу боис корхона мутахассислари талончиликларга барҳам бериш мақсадида маҳалла оқсоқоллари ва уй-жой мулкдорлари ширкати бошлиқлари билан ҳамкорликда иш олиб боришати. Уйларга сигналзациялар ўрнатилиб, томлар ва ертўла эшикларининг мустаҳкам қўлфланиши доимий кузатиб борилмоқ-

ИНФОРМАЦИОННАЯ СФЕРА

Современный этап развития общества характеризуется возрастающей ролью информационной сферы, представляющей собой совокупность информации, информационной инфраструктуры, субъектов, осуществляющих сбор, формирование, распространение и использование информации, а также системы регулирования возникающих при этом общественных отношений.

Единое информационное пространство является, с одной стороны, важным обязательным признаком и предпосылкой успешного формирования информационного общества, необходимым условием вхождения в мировое информационное сообщество, глобализации общественных отношений, с другой стороны - выступает как системообразующий признак современного государства, как главное условие сохранения информационного суверенитета страны и укрепления государственности.

Информационная сфера активно влияет на состояние политической, экономической, оборонной и других составляющих безопасности Республики Узбекистан. Национальная безопасность существующим образом зависит от обеспечения информационной безопасности и в ходе роста научно-технического прогресса эта зависимость будет возрастать.

Под информационной безопасностью понимается состояние защищенности национальных интересов в информационной сфере, определяющих совокупностью сбалансированных интересов личности, общества и государства.

Интересы личности в информационной сфере заключаются в реализации конституционных прав человека и гражданина на доступ к информации, на использование информации в интересах осуществления не запрещенной законом деятельности, физического, духовного и интеллектуального развития, а также в защите информации, обеспечивающей личную безопасность.

Интересы общества в информационной сфере заключаются в обеспечении интересов личности в этой сфере, упрочении демократии, создании правового социального государства, достижения и поддержке общественного согласия.

Интересы государства в информационной сфере заключаются в создании условий для гармоничного развития информационной инфраструктуры для реализа-

ции конституционных прав и свобод человека и гражданина в области получения информации и пользования ею, суверенитета и территориальной целостности, политической, экономической и социальной стабильности, в безуслов-

- деятельности преступных сообществ, организаций и групп, отдельных лиц, направленная на получение несанкционированного доступа к информации и осуществление контроля за функционированием

Информационная безопасность (проблемы и пути их решения)

ном обеспечении законности и правопорядка, развитии равноправного и взаимовыгодного международного сотрудничества.

Переход к рыночным отношениям вызвал появление на внутреннем рынке Узбекистана товаров и услуг множества зарубежных коммерческих структур - производителей и потребителей информации, средств связи и защиты информации. Бесконтрольная деятельность этих структур по созданию и защите систем сбора, обработки, хранения и передачи статистической, финансовой, биржевой, налоговой, таможенной информации создает реальную угрозу безопасности нашего государства в экономической сфере. Аналогичные угрозы возникают при несанкционированном доступе к конфиденциальной информации и контроле за процессами ее передачи и обработки.

Серьезную угрозу для нормального функционирования экономики в целом представляют компьютерные преступления, связанные с проникновением криминальных элементов в компьютерные системы и сети банков и иных кредитных организаций.

Основными угрозами информационной безопасности сферы связи и информатизации являются:

информационных и телекоммуникационных систем;

- нарушение установленного регламента сбора, обработки и передачи информации, преднамеренные действия и ошибки персонала информационных и телекоммуникационных систем, отказ технических средств и сбои программного обеспечения в информационных и телекоммуникационных системах;

- использование не сертифицированных в соответствии с требованиями безопасности средств и систем информатизации и связи, а также средств защиты информации и контроля их эффективности;

- привлечение к работам по созданию, развитию и защите информационных и телекоммуникационных систем организаций и фирм, не имеющих государственных лицензий на осуществление этих видов деятельности.

Как показали исследования и опыт практических решений, проблема обеспечения информационной безопасности информационных систем, систем и сетей телекоммуникаций является весьма сложной. Для решения этой проблемы требуется не просто осуществление некоторой совокупности

научно-технических и организационных мероприятий, применение специфических средств и методов защиты, но и создание целостной системы обеспечения информационной безопасности, базирующейся на стройной организации и регулярном управлении.

За последние годы в Республике реализован комплекс мер по совершенствованию обеспечения информационной безопасности, начато формирование базы правового обеспечения информационной безопасности. Приняты законы «Об информатизации», «Об электрон-

такие системы противодействия этим угрозам;

- разработка целевых программ обеспечения информационной безопасности;

- разработка критериев и методов оценки эффективности систем и средств обеспечения информационной безопасности, а также их сертификация;

- совершенствование нормативно-правовой базы обеспечения информационной безопасности, включая механизмы реализации прав граждан на получение информации и доступа к ней, формы и способы реализации правовых норм, касающихся взаимодействия государства со сред-

ствами массовой информации;

- определение ответственности должностных лиц органов государственной власти, местного самоуправления, юридических лиц и граждан за соблюдение требований информационной безопасности;

- координация деятельности органов государственной власти, предприятий, учреждений и организаций, независимо от формы собственности, в области обеспечения информационной безопасности;

- развитие и совершенствование государственной системы защиты информации и системы защиты государственных секретов;

- расширение взаимодействия с международными и зарубежными органами и организациями при решении научно-технических и правовых

вопросов обеспечения безопасности информации, передаваемой с помощью международных телекоммуникационных систем и сетей связи;

- создание единой системы подготовки кадров в области информационной безопасности и информационных технологий.

При решении этих задач следует помнить, что информационная безопасность является одним из важнейших аспектов государственной безопасности, на каком бы уровне мы её ни рассматривали - национальном, отраслевом, корпоративном или персональном.

Рустам ЮНУСОВ,
заместитель начальника
отдела обеспечения
информационной безопасности УзАСИ

ВНИМАНИЕ!

ЦЕНТР ЭЛЕКТРОМАГНИТНОЙ СОВМЕСТИМОСТИ

доводит до сведения жителей и гостей Республики Узбекистан, что в соответствии с действующим законодательством ввозимые из-за границы, приобретаемые, реализуемые и эксплуатируемые радиоэлектронные средства (радиодлиннители дальнего действия, бесшумные радиотелефоны, радиостанции и другие передающие устройства) на территории Республики Узбекистан должны иметь соответствующие разрешения.

К лицам, осуществляющим ввоз из-за границы, реализацию и эксплуатацию радиопередающих устройств без соответствующих разрешений, будут применяться меры административной ответственности, вплоть до конфискации радиоаппаратуры.

По вопросам регистрации и выдачи разрешений на ввоз, реализацию и эксплуатацию РЭС просим обращаться в Центр электромагнитной совместимости (ЦЭМС).

Наш адрес:

- г. Ташкент, 115, Чиланзарский р-н, ул. Кириккиз, дом 10 (ориентир: махалля Козиробод), тел.: 150-41-42, 150-41-78
- г. Андижан, ул. Чулпон, дом 5, кв. 49, тел.: 150-91-72
- г. Бухара, ул. акад. И.Муминова, кв. 2, тел.: 150-83-78
- г. Жиззах, ул. "Иттифок", мкр-н 3/1, дом 23, кв. 35, тел.: 150-75-70
- г. Нукус, ул. Ерназар Алакуз, здание АМТС, тел.: 150-87-24
- г. Карши, 1 мкр-н, дом 43, кв. 62, тел.: 150-80-43
- г. Навои, ул. Халклар Дуслиги, дом 77а, тел.: 150-78-81
- г. Наманган, ул. Маргилон, 8а, корп. 2, кв. 54, тел.: 150-89-06
- г. Самарканд, сельский, п/о Колбог, СТК, тел.: 150-78-06
- г. Термез, 5-й мкр-н, дом 1, кв. 16, тел.: 150-82-06
- г. Гулистан, ул. Мустакиллик, дом 81, кв. 22, тел.: 150-73-88
- г. Фергана, ул. Навои, дом 37, кв. 36, тел.: 150-93-06
- г. Ургенч, ул. Анны Герман, дом 9, кв. 84, тел.: 150-85-64.

ЭЪЛОН!

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар ва алоқа соҳаси хизматлари истеъмолчилари диққатига!

ДАВЛАТ АЛОҚА ИНСПЕКЦИЯСИ ўзининг таркибий бўлинмалари — **Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти Давлат алоқа инспекциялари** 2006 йилнинг 13 февралидан **Тошкент шаҳар, Юнусobod тумани, В.Малаясов кўчаси, 3-уй манзилига** кўчиб ўтганлиги ҳамда улардаги маълум телефон рақамлари ўзгармаганлигини маълум қилади.

Тошкент шаҳар ДАИ телефонлари:

136-01-11,
150-19-80,
132-17-91,
144-48-59.

Тошкент вилояти ДАИ телефонлари:

135-01-11,
150-19-79.



Хабар-ТВ



2006-йил, 17-феврал
7 (700)-890

Хабар-ТВ

“Ўзбекистон” телеканали TV I

Хурматли телеомобинилар!
Профилактика муносабати билан, “O’zbekiston” телеархивидан ўз кўрсатувларини сот 14.55 дан бошлади.
14.55 Кўрсатувлар дастури.
15.00 “Тадлиснома”.
15.45 ТВ-аним.
15.50 “Санаиат аҳолига тизим”.
15.55 “Онам ва одам” дастури: “Юн-Нань виллояти”.
16.25 2006 йил “Ҳомийлар ва шифокорлар йили”, “Яшадик”.
“Болалар сайфраси”.
16.45 “Эртакилар - яхшиликка етказди”.
17.00 “Азборот”.
17.10 ТВ-аним.
17.15 “Равнак” студияси намоиши эри.
17.30 “Оттин мерос”.
17.40 “Шираник”. Жаҳийи кўрсатув.
18.00 “Банк ва миқдор”.
18.10 ТВ-аним.
18.15 “Опинг” Телесернал.
18.30 “Алло уйини”.
Телемергер:
19.10 “Оқдам навалари”.
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 “Азборот” (рус тилида)
20.00 ТВ-аним.
20.05 “Оқдам бўлиб”.
20.10 “Ишқ зотини”. Телесернал премьераси.
21.00 “Азборот”.
21.35 ТВ-аним.
21.40 “Биу Улка-ки”.
22.00 “Қадуш”. Телесернал премьераси.
23.10 “Қўшиқиман, муқаббат” (SMS. Олоз бериш)
23.20 “Онам ва одам” дастури: “Олис келажакдаги ёшовой одам”. Серия: 1-қисм.
09.10-00.15 Тугъи навалар.

“Ешлар” телеканали TV II

11.55 Дастурнинг очилиши.
12.00 “Давр” эфирта индик.
12.30 ТВ - аним.
12.35 “Уйин”. Бадийи филм.
4-қисм.
13.05 Болалар экрани: Катта таърифдош.
13.25 “Шум бол”.
Бадийи филм.
14.55 SMS - тест.
15.00 Ватанпарвар.
16.00 Давр.
16.10 ТВ - аним.
16.15 Ингидрбулб.
17.35 Болалар таърифдош.
18.00 Чампсон сирлари (рус тилида)
18.20 “Расийи оқ патлар”. Бадийи филм. 1-қисм.
18.30 Мафрунзиман, диёрли!
18.35 Кетим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ - аним.
19.40 Интелектуал олимпиада.
19.45 Ешлар овози.
20.00 Муқийи воқалар.
20.15 Рауэр.
20.30 ТВ-аним.
20.35 SMS - тест.
20.40 UzEX хабарлари.
20.50 Эълонлар.
21.00 “Шубҳа” Телесернал.
21.45 SMS - тест.
21.50 Муқийи луқа.
21.55 Кетим.
22.00 Давр.
22.35 ТВ - аним.

ДУШАНБА – 20 ФЕВРАЛ

22.40 UzEX хабарлари (рус тилида)
22.50 “Эмералда”. Телесернал.
23.20 Дастурнинг ёпишиши.

“Тошкент” телеканали TV III

18.20 Кўрсатувлар тартиби.
18.30 “Тойлак” /рус/.
18.50 “Эртасларнинг сеҳрини олами” /рус/.
19.00 “Экспресс” телегазети.
19.15 “Табриклишди, кутайди”.
19.45 “Туркувэр маркет”.
20.00 “Тойлак”.
20.20 ТВ/ва сериял: “Қамқали”.
20.50 “Экспресс” телегазети.
21.05 “Саломат бўлинг”. /рус/.
21.25 “Телкувэр маркет”.
21.40 “Махсус муҳаб”.
22.00 Киноингоҳ: “Амар, Аюбар, Антони”. 1-қисм.
22.25-23.30 “Хайрат тун, шехрим”.

СПОРТ телеканали TV IV

7.00 “Бодро утро”.
8.00 “Версия”.
Информационо-аналитическая программа.
8.30 “Топшенинг саргузашлари”. Муал.сернал.
9.00 “Талқин”. Информационо-талқини кўрсатув.
9.30 Бокс. Республика биринчилиги.
10.10 “Соғом аялдо”.
10.25 Жаҳон спорти: Баскетбол. NBA “Ютазлар уйини”.
11.25-11.55 “Турин-2006”. XX қисми олимпиада уйинларидан трансляция.
“SPOK” ТЕЛЕКАНАЛИ
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 “Паҳлавон”. Болалар кураш шонси.
18.30 “Азбарот” (Рус тилида)
18.50 “Жади меня”.
20.30 “Турин-2006”. XX қисми олимпиада уйинларидан трансляция.
21.30 “Азбарот”.
21.50 “Турин-2006”. XX қисми олимпиада уйинларидан трансляция.
22.55 “Туингиз осула бўлиб”

“Ўзбекистон” телеканали TV I

Уважаемые телезрители! В связи с прямой трансляцией XX зимних Олимпийских игр в программе возможны изменения.
6.00 Телеканал “Доброе утро”
9.00 Новости
9.05 “Убойная сила”.
Многосерийный фильм
10.10 Детектив “Любительница чужеродного саусака Диана Васильева”
11.30 “Крыше зеркало”
22.00 Новости
12.10 “Черный ворон”.
Многосерийный фильм
13.20 Энди Мерфи в компании “Великий шаг”
15.00 Новости (с субтитрами)
15.10 “Полита. Без комплексов”
16.00 Сериял “Талисман”
17.00 “Федеральный судья”
18.00 Вечерние новости (с субтитрами)
18.10 Криминальная Россия. “Неуловимые интеллигент”. 1-я серия

18.40 Многосерийный фильм “Московская сага”
19.50 Жади меня
21.00 Время
21.30 Детектив “Казарога”
22.30 Документальный фильм “Один из нас”.
23.20 Ночные новости
23.40 Документальный фильм

РОССИЯ

5:00 “Доброе утро, Россия!”.
8:45 Приключенческий фильм “Один из нас”.
10:45 ВЕСТИ. ДЕКУРНАЯ ЧАСТЬ.
Демак, malika — адрес эгасининг исми, mrc — ташкilot номи, freenet — Интернет— провайдер номи, uz — домен номи.

Хатни юбориш учун манзилни, мавзуни ва ўз манзилингизни кўрсатишингиз зарур. Электрон почта орқали матн, график, аудио, видео, расмли ҳужжат ва файлларни юбориш мумкин.

(Давоми бор.)

MULOHAZA, MUNOZARA

Хунар — ўғилу қизнинг кўрқи, ризку рўзи. Юртимизда бугун хунарамандликка кенг йўл очилган. Эркин нафас олиб, ишингдан завқланиб, меҳнат қилаверасан...

— Етти ўғлим ва уч қизимдан ҳеч бири ўқийлмади, лоақал бирортаси «Онаҳон, мен ўқийман, шарт-шароит қилиб беринг», деган гапни тилга олмади, — деб қуонади онаизор. — Мана, энди келинлар олдида номусдан ерга киргудек бўламан. Рўзгорда, ҳали у йўқ, ҳали бу... Охири ҳеч кимга билдирмай, мардикорликка чиқиб кетдим.

— Ие, етти ўғлингиз туриб... — Улар мардикорликка чиққан номус қилишади-да, ёшларни биласиз-ку.

Онаҳон билан узоқ гаплашди.

— Тоқай ўғилларингиз бемақ-

сад, бесамар юришади? Ахир, «ёшинг қирқда бўлса ҳам хунар ўрган, бир кун асқотади», дейишган-ку, — дедим бироз истиҳолада.

— Ёшлиқда ишлаб ўрганишмаган. Қайдам, кўнишармикин? Мана — бекорчилик, безорилик, ўғрилиқ ва ҳатто оғир жиноятлар кўчаси бошланадиган остона. Бугун ота ёки она гуруридан-да кечиби, бир амаллаб қора қозонни қайнатар. Эртага фарзандлари алоҳида рўзгор қилиб чиқишганда-чи?! Шунда улар қандай турмуш кеңирадилар? Ахир, оилани савлат эмас, хунар боқади.

Ёшлиқда ўрган хунар...

Бир кўшнимиз бор. Ўзи яшигина идорада ишлайди. Яна маҳалла-қўйда ўғиллари билан устачилик қилади. «Қўли гул устала» дейишади уларни. Беш ўғилнинг биринчиси — Бухоро давлат университетининг математика факултетини битириб келди, ҳозир мактабда дарс берапти. Иккинчиси Самарқанд давлат университетининг физика факултетини тамомлаган. У мактабда ишлаш билан бирга, дарсдан сўнг болаларни ўқишга тайёрлайди. Учинчиси эса дуррадор — отасига қарашади. Тўртинчиси — Ташкент ахборот технологиялари университетида ўқийди. Билмидонликда акаларидан ҳам ўтади, ҳалитдан теле-

визорга чиқиб «Заковат», «Иқтидор» интеллектуал телеўйинларига қатнашиб юрибди. Қишлоқда ҳамманинг оғзида шу йигит. Бешинчиси ҳали мактабда ўқийди, бўш вақтларида отасига ёрдамлашади. Бу оиланинг бирон марта нолиганини эшитмайсиз.

Рўзгор мажбур қилгач, мардикорликка бел боғлаб кўчага чиққан эркак аёллар йўл четига сиймайди. Хўш, нега? Иш йўқми? Бор. Фақат иштиёқ камдай.

«Бугунги кун ганимат», дейишади катталар. Нафақат пул топиш учун, балки ҳақиқий инсон, оила боши бўлиш учун ҳам йигитнинг ўнги бармоғида ўнги хунари бўлиши шарт! Кимдир уйини ўзи оқлайди, томорқада иш-

лайди, ҳали қозонга қопқоқ ясайдди, ҳали томга шифер қоқайди. Хуллас, қўлида хунари бор хор бўлмайди. Ҳозир замон — хунарликни.

Уқувли аёлнинг уйидаги бир қарич латта ҳам ўчоққа бориб тушмайди. Бу каби элчил аёл нафас олган хонадонда албатта рўшнолик, файзу баракда бўлади. Шундай рўзгор барчамизга орау экан, келинг, оила кўрқи бўлишга ҳаракат қилайлик. Азиз фарзандларимизни болаликдан оқувли, зийрак ва меҳнатқаш, шу билан бирга, хунарни бўлиши учун тайёрлайлик. Шунга интилайлик.

Элдорбек АКРАМОВ

BUXORODAN DARAKLAR

Маънавият ва
маърифат ўқуви

“Бухоро Телеком” филиалида “Ёшлар тарбияси: глобаллашув жараёни ва мафкуравий иммунитет” мавзuida маънавият ва маърифат ўқуви ўтказилди.

Кейинги пайтда таълим муассасаларида “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фанининг ўқитилаётгани, билим даргоҳлари раҳбарларининг маънавият ва маърифат масалалари бўйича ўринбосарлари малакасининг изчил тарзда такомиллаштирилаётгани, сиёсий майдонда фаол ҳаракат қилаётган партияларда ёшлар қанотининг ташкил этилгани ва бошқа кўпгина чора-тадбирлар йиғит-қизларда мафкуравий иммунитетни кудратли кучга айлантиришга хизмат қилмоқда.

Тўғри, ахборот хуружи, ахборот терроризми кўринишига эга бўлган ғоявий қурашда халқнинг ўз эркинлигини, миллий муқтадрилигини, турмуш тарзини, қадриятларини сақлаб қолиш осон иш эмас. Бундай шароитда мамлакатимизга турли ёт ғояларнинг кириб келиши ҳам табиий ҳол. Худди шунинг учун ҳам бузғунчи ғояга қарши бунёдкор ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан қурашиш учун юртдошларимизда, энг биринчи навбатда эса ёшларда муқтадил фикр ва кенг дунёқараш шакллантирилиши зарур. Шундангина, глобаллашув жараёнида ёшлар тарбиясига пулур етмайди билгани.

Маънавият ва маърифат ўқуви давомида республика “Маънавият ва маърифат” маркази Бухоро вилояти бўлими раҳбари вазифасини бажарувчи, доцент Ортик Вафоев ана шу масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, тadbир қатнашчиларининг саволларига атрофлича жавоб берди.

Семинар машғулоти

Ибн Сино номидаги Бухоро вилояти универсал илмий кутубхонасида ўтказилган “Ўзбекистонда ахборот-ресурс марказларини ташкил этиш масалалари” мавзuida семинар машғулотида кутубхоначилик соҳасида компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича фойдали фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Машғулоти Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси бўлим мудири, республика кутубхоначилар ассоциациясининг ижрочи директори, “Электрон кутубхоналар ва электрон дарсликлар” йўналишида иш юритувчи ишчи гуруҳи бошчилигининг ўринбосари, техника фанлари доктори М.Раҳматуллаев олиб борди.

Республика кутубхоначилар ассоциацияси ва Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган бу тadbир давомида қатнашчилар “Кутубхоначилик ва ахборот соҳасида ислохот-

ларни амалга оширишнинг долзарб муаммолари”, “Лойиҳаларни ишлаб чиқишда ташкилий қарорларни қабул қилиш технологиясининг асосий тушунчалари”, “Қарорларни қабул қилиш ва лойиҳаларни ишлаб чиқишдаги асосий босқичлар”, “Энг муҳим ташкилий-техник шарт-шароитлар”, “Ташкилий қарорларни қабул қилиш технологиясининг асосий стандартлари ва ҳужжатлари”, “Аналитик ёзишмалар тузилмаси” ва бошқа мавзулардаги бир қатор маърузаларни тингладилар.

Бу ерда ташкил этилган “Ўзбекистондаги, шу жумладан, Бухоро вилоятидаги мавжуд кутубхоналарнинг асосий муаммолари ва ривожланиш истиқболлари. Кутубхоналар негизда ахборот-ресурс марказларини ташкил этиш” мавзuida даяра суҳбати давомида эса семинар иштирокчиларини қизиқтирган кўпдан-кўп саволларга жавоб берилди. Кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда бир қатор лойиҳаларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этган тadbир қатнашчиларига тегишли сертификатлар топширилди.

Қишлоқ аҳли мамнун

Жондор туманидаги Охшиқ қишлоқ фуқаролар йиғини худудда замонавий телефон станцияси ўрнатилганидан сўнг қишлоқ аҳолисига алоқа хизмати кўрсатиш сифати яхшиланди.

Японияда ишлаб чиқарилган бу ускуна туфайли телефонларда сўзлашув сифати кескин яхшиланганиги вақт ўтган сайин яққол билинмоқда. Хозирги пайтда ушбу замонавий телефон станцияси хизматидан нафақат Охшиқ қишлоқ фуқаролар йиғини худудда истиқомат қилувчи миҳозлар, балки Манқуфи, Намгани, Пахтабод маҳалла фуқаролар йиғинлари худуддаги жами 380дан ортиқ хонадон, ташкилот ва муассасалар ҳам тула баҳраманд бўлмоқда. Янги станция имкониятлари катта бўлиб, унга қўшимча равишда яна 70 нафар миҳоз уланиши мумкин.

Асқар ИСТАМОВ

TURMUSH CHORRAHALARIDA

— Ўғлим, ёшингиз ҳам тобора каттайсиз каттайиптики, асло ёшармаепти. Ўғлингиз ўғил, қизингиз қиз бўлиб қаторга қўшилиб қолди. Аллоҳга шукр. Энди ўзингизни кўлга олиб, ичишни бас қилсангиз яхши бўларди. Эрта-индин қуданда, деганларидай... Бу гапларимдан хафа бўлманг. Мен ҳам отангиз ўрнида отаман. Ота яхши бўл, дейди, асло ёмон бўлгин, демайди.

Шу икки оғиз насиҳат Салимжон отанинг хаётини остин-устун қилиб юборди. Анчиги бурнининг учидан турадиган ароққўр куёви уйига борибқоқ бақир-чақирни бошлади. Хотини, бола-чақасини ховли билан битта қилиб қувди. «Менга ақл ўргатмаган ўзи битта сенинг отанг қолувди. Йўқол кўзимдан, отангнинг насихатини эшитиб ўтиравер», дея Моҳинисани хайдади. Қизининг қувгин қилинган баджаҳл онасининг газабини кўзгати. Аламини эндигина дарвозадан кириб келган эридан олиб, унга бор захрини сочи. Шу ёшга киргунча на хотиндан, на болаларидан рўшнолик кўрмаган Салимжон ота: «Бироз кўзидан нари бўлиб турсам жағи ўчар», деган ўйда кўчага чиқиб кетмокчи бўлди. У дарвоза томон юраркан, ортидан хотинининг шангилагани эшитилди:

— Ушандан нари йўқолиб кетинг, туркингизни қайтиб кўрмайин.

Бундай хайдашлар илк мартаба бўлаётгани йўқ. Хотини икки гапининг бирيدا айтадигани шу:

— Уйни бўшатиб қўйинг, сизсиз ҳам яшайверамиз.

Салимжон ота «Хар доимги гапи-да, кечроқ уйга қайтсам, ховуридан тушиб қолар», деб чойхонага йўл олди. У ерда кунни кеч қилди. Кечқурун уйига қайтган отани хотини ва қизи итдай талаб қувиди. Сира бундай бўлишини кутмагани учун ота буткул гангиб қолди. Кексайганда уйдан бутунлайин бош олиб чи-

қиб кетадими? Қаёққа боради? Оға-инилари ўзга юртда бўлса, бу ерда бир меҳробони бўлмаса? Узи қаёқдан ҳам бу юртларни хавас қилган экан. Уқшини тугатиб, бу ерда қолиб кетмай, уйига қайтганида, балки... Онаси шўрлик билиб айтган экан, «ўғлим, кексайганингда саргардон бўласан», деб. Хозир онаси айтганидай, хор бўлди. Қаерга боришни, дардини кимга айтишни билмайди.

Салимжон ота кийимлари солинган тугунни елкасига орқаларкан, қишлоқ масжиди томон йўл олди. У ўша ерда уч кун ётди ҳамки, на ўғли ва на қизи ха-

Қисмат

бар олмади. Ота ўғлидан умид қилганди. Афсус, умиди пуч бўлиб қичди.

Шу-шу Салимжон ота масжидни макон тутди. Неча марта ошна-оғайнилари «Юр, бизникида яшайвер», деб келишди. Бирок у кўнмади. Негаки, хотини уларни ҳам тинч қўймаслиги аниқ. Салимжон ота уч, тўрт бор уйига бош эгиб борди. Аммо хотинининг қарори қатъий эканлигини билгандан кейин қайтиб қадам босмади. Умрининг йигирма йиллини масжидда ўтказди. У одати бўйича тўй-маъракаларда чойташувчилик қилиб юрди. Нонини ҳалоллаб еди.

Баъзан тўйларда чой ташиб юрган отани кўрган йиғитлар:

— Ота, қўйинг энди шу ишингизни. Сиздан бошқа ташийдиган одам йўқ эканми? — дейишарди.

Бу гапдан отанинг жаҳли чиқарди:



— Нима бўпти таҳисам? Нима, орият қилясанларми? Тўйхонани бўшатиб қўйишимни хоҳлаётган бўлсанглар, бўпти, бўшатиб қўяман.

Қариянинг бу даражада хафа бўлишини кутмаган Йиғитлар уф сўрашарди.

Ёши саксонга яқинлашиб қолганига қарамай хасталик нималигини билмаган, асо тутмаган Салимжон ота тўсатдан оғриб қолди. Тинимсиз чиққан иситма уни ётқизиб қўйди. Эрталаб масжидга келган оқсоқоллар унинг ховлида кўринмаётганидан ажабланиб, бир-бирларига қарашди.

— Салимжон азонлаб бозорга кетди-микин-а? — деди улардан бири.

— Э, қўйсангиз-чи, энди намоз вақти бўлди-ю, намоз ўқимай, бозорга борар-миди?

TATU HAYOTIDAN

Тошкент ахборот технологиялари университетида анъанавий навоийхонлик ҳамда бобурхонлик ойлиги давом этмоқда. Улуғ мутафаккир, ғазал мулкнинг султони Алишер Навоий ҳамда шоҳ ва шоир Заҳириддин Мухаммад Бобурнинг талаба-ёшлар орасидаги чинакам мухлислари тобора кўпаймоқда.

Анъанавий ғазалхонлик
давом этмоқда

Амалий машғулотлар ва университет талабалар уйида ҳамда мажлислар залида ўтказилган тadbирларда дунё шеърятига юксак маъқега эга бўлган ҳар икки алломанинг биз — ёшларга унча таниш бўлмаган янги-янги қирралари ёритиб берилмоқда. Чунони, мутафаккирларнинг табобат илмидан хабардорликлари, муסיқа санъати уларнинг нозик дидларига доимо илҳом бахш этганлиги, харбий соҳадаги тажрибалари, ўз даврида ёшларнинг илм-фани эгаллашлари учун қилган жонқуяриклари ҳамда ҳомийликлари, иқтисодиётни ривожлантириш ва ободонлаштириш ишларига бошқош бўлганликлари ҳақидаги суҳбатлар бизнинг онгимизга маънавий озуқа бўлиб сингмоқда.

“Ахборот” клуби раҳбари Аълоҳон Ҳусанованинг “Алишер Навоийнинг ижоди ва фаолияти” деб номланган услубий қўлланмаси ғазал мулкнинг султони таваллуд кунига муносиб тўхфа бўлди.

Университетнинг маънавий-маърифий ишлари бўйича проректори, профессор Н.Мўминов, иқтисодиёт ва бошқарув факултетининг ўзбек ва рус тиллари кафедраси доцентлари Н.Ёқубова, Ф.Йулдошева, Р.Қобулова, маънавий-маърифий ишлар бўйича кафедра мудирининг ўринбосари А.Ҳусанова, ўқитувчилар К.Ғойибова ва Н.Юлановалар ушбу тadbирларнинг юқори савияда ўтиши учун бор имкониятларни ишга солишмоқда.

Барча тadbирлар бадий-қўрғамали тарзда, энг аҳамиятлиси, ҳозирда жаҳон саҳнида юз бераётган воқеа-ҳодисаларга боғланган ва қиёсланган ҳолда олиб боришмоқда.

Ўтаётган тadbирлар аждодларимизга муносиб авлодлар бўлиб етишишимизда хизмат қилади. Устозларнинг истаклари ҳам ана шундай ээгуликдан иборат.

Азиза ТУРСУНОВА,
TATU Телекоммуникация
факултети магистриси,
“Ахборот” клуби аъзоси

— Ҳойнаҳой хотини уйига олиб кетгандир? — хазилга бурди ана бири.

— Э, қўйинглар-е, юринглар, намозни бошлайлик, кеч қолмайлик тагин. Улар ичкарига киришаркан, бир ахволда ётган отани қўриб, шошиб қолишди. Кимдир иссиқ чой олиб қичди, кимдир дори ичирди. Яна бирлари «Тез ёрдам»га қўнғирок қилди. Зудлик билан етиб келган шифокорлар отани шифохонага олиб кетишмоқчи бўлишди. Лекин у кўнмади:

— Қўяверинг, мени олиб кетиб овора бўлманглар. Менинг бир оёғим ерда бўлса, бир оёғим гўрда бўлиб қолди. Аллоҳ буорган қуни хузурига кетаман.

Хасталик соғинч туфайли, деб унинг ўғли ва қизини чақиртиришди. Бирок уч кунгача ҳам улардан дарак бўлмади. Ота тобора холсизланиб бораркан, тинимсиз Аллоҳга нола қиларди:

— Аллоҳ, ўзингга шукр. Бошимга қандадан-қанда мушқулотларни солдинг, яхши кунларни кўрсатдинг. Буларнинг бири учун мингдан минг ўзингга шукр, кўрсатган кунингга шукр. Болаларимдан розиман. Аллоҳ, бирова муҳтож қилмагин. Хеч қимга малол келмасимдан аввал жонимни ол.

Ота бир ҳафта ётди. Сўнг омонатини топширди. Жанозага тумонат одам йиғилди. Имом ота-она, боланинг уларга бўлган меҳр-муҳаббати, кексайганда фарзандларнинг қилажак муруватларни ҳақида, ота-онани хор-зор қилишликнинг оқибати яхши эмаслиги тўғрисида гапириб, хадислардан келтириб ўтди. Ўғил бошини ердан кўтаролмай қолди.

Эрининг ўлимидан кўп вақт ўтмай хотини ҳам бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этди. Бемехр фарзандларни нелар қутяпти, бу ёлғиз Аллоҳгагина аён.

Тўлган Ой

MASHNURLAR HAYOTI

Япон кино санъати устаси Акира Куросава режиссёрлигида суратга олинган "Дерсу Узала" кинофильмини кўпчилик севиб томоша қилган. Фильмдаги оддий овчи Дерсу образи ва табиат манзаралари кишида катта таассурот қолдиради. Овчи ролини ижро этган актёр Максим Мунзук ҳаёти тўғрисида ва ушбу бадиий фильм нуфузли Оскар мукофотига сазовор бўлганини кўпчилик билмас керак. Қуйида шу ҳақда ҳикоя қиламиз.

Максим Монгузюкович Мунзук оилада тўққизинчи фарзанд эди. Бунгача Мунзуқлар оиласида саккиз қиз дунёга келган, уларнинг бариси чақалоқ-лиғдаёқ ҳаётдан кўз юмишган. Тақдирнинг ёзуғини қарангки, бу гал Максимнинг эгизак шериги ва онаси ҳам оламдан ўтди. Орадан кўп ўтмай отаси ҳам вафот этди. У ёлғиз қолди...

Ёш Максим ҳамма нарасга қизиқарди. Руслар ичида яшаганда, рус тилини, хитой савдогарларидан ҳисоб-китобни ўрганди. Тува халқ армиясида кўнгли бўлиб хизмат қилди. У ерда нафақат ҳарбий техникани ўрганди, балки мусиқа бўйича саводини ҳам чиқарди. Тува миллий профессионал театрини ташкил этганлардан бири ҳам у эди. Театрда у бўлажак умр йўлдоши — Қорақизни учратди. Ёш қизнинг чиройли овози унинг қалбини забт этди. Қорақиз беш нафар фарзанда она бўлди. Мунзук никоҳда ҳам бахтини топган инсонлардан бири эди.

Мунзуқлар драматик салоҳияти кучли артистлар эди. Улар концерт беришдан ташқари, бўш пайтларида Тува миллий мусиқа фольклорини тўплаш билан ҳам шуғуллана бошлашди. Бу қизиқш жиддий машғулотга айланди. Натияжада улар халқ кўшиқларининг иккита тўпламини нашр қилдиришди.

Максим Мунзук Тува миллий театрининг режиссёри сифатида ҳам маҳаллий драматургларнинг ҳамда рус ва бошқа хориж классикларининг асарларини саҳналаштирди. У ушбу жанрда кўйилган учта драматик асарнинг муаллифи ҳамдир. Максим ижро этган роллар сони юздан ошиб кетди.

У илк бор 1958 йили "Мовий дарё одамлари" фильмида суратга тушди. "Гувоҳинг йўқолиши" фильмидаги Бхэ-Доржу исмли овчи роли туфайли у Акира Куросавадек машҳур режиссёр эътиборини қозонди. Япон режиссёри Максим Мунзукнинг ана шу фильмдаги ижросини ёқтириб, уни "Дерсу Узала" фильмига тақлиф этди. Бу вақтга келиб Максим Мунзук 60 ёшда эди. Унга бахт кулиб боқди. Кино санъатининг машҳур устаси билан бирга ишлашга мўъассар бўлди. Бу ҳам корлик дўстлиқка айланди. Мунзук ўз хатларида Акира Куросава номини "Бахши" дея тилга олар эди.

Мунзук рафиқаси билан камдан-кам ҳоллардагина, факатгина хизмат сафари боис бир оз муддат айри яшайди. Ана шу вақтда улар деярли ҳар куни бир-бирларига хат ёзишарди. Бу "Дерсу Узала" фильмининг суратга олиш жараёни билан боғлиқ. Мунзук рафиқаси ва фарзандларига ёзган хатларида япон кино устаси билан содир бўлган воқеалар, уни чин инсон сифатида тобора кашф этиб бораётганини қаламга оларди.

"Бугун қийин бир эпизодни суратга олдик, — деб ёзганди у бир хатда. — Бахши мендан норози эканлигини сезяпман. У ижро қилиниши лозим бўлган лавҳани менга ўта диққат билан тушунтирди. Мен эса ҳажжонлана бошладим. Унинг ички кунига, актёрлар билан ишлаш маҳоратига,

сабр-бардошига қойил қолдим, бошқа одам бўлганда аллақачон менга бақриб берадди".

Ҳақиқатан ҳам, дастлаб Мунзук кинематографияда тажрибаси етишмаслигидан, суратга олиш жараёнининг тигизлигидан қийналди. Меҳнаткашлиги, максатга ўзини йўналтира олиши, қолаверса, ҳамкасби Юрий Соломиннинг ёрдами туфайли у бундай муаммоларни бартараф этиб, кино жараёнининг ичига қира олди. Фильмда шундай эпизод бор: Дерсу қоядан дарёга сакраб, унда оқиб кетаётган тўнқани ушлаб қолиб, жонини саклайди. Ана шу жараёни бажариш учун режиссёр спортчи-дублёрни тайёрлайди. У билан бир неча бор репетиция ҳам қилиб кўрди. Аммо Максим Мунзук "буни ўзим бажараман", дея қатъий туриб олди. Куросава анча ўйлашиб қолди... Нихоят, суратга олиш бошланди. Режиссёр "Мотор!" дея буйруқ берди. Хуллас, Мунзук қоядан сакради ва ўзига юклатилган вазифани қойилмақом бажарди. Ижодий гуруҳ аъзолари Мунзукни табриклашди. Акира Куросава унинг ёнига шошилмасдан келиб, кўзига тикилди ва актёрни охира бағрига босди. Мунзук бу воқеани тез-тез эслаб юрди: "Бу — Бахшининг менга билдирган энг катта мактови эди".

Яна бир хатда у: "Куросава доимо тақиб юрадиган кўзойнагини ечди. Мен унинг кўзини кўрдим. Унинг кўзи худди болаларникидек тиниқ ва беғубор эди. Қисқик кўзлари унинг сиймосига ажойиб бир жозиба бағишларди", дея ёзган эди.

"Бугун йўлбарс билан оқадиган воқеаларни суратга келди, — ёзади у бошқа хатда. — "Йўл-йўлли артист" ижодий гуруҳини анча қийнаб кўйди. Сценарий бўйича, Дерсу йўлбарсга дуч келгач, "ўз йўлингга кет", дея уни ортига қайтариши, аммо йўлбарс "гапга қирмагач", оғохлантурвичи ўқ узиши лозим эди. Бир-икки мартаба маъқ қилинган, суратга олишни бошламоқчи бўлдик. Бирок, бизнинг "йўл-йўлли артистимиз" дам олмоқчи бўлиб, узала тушиб ётиб олди. Узоқ кутишга тўғри келди. Қанчадан-қанча плёнка сарфланди. Куросава бундай қутилмаган вазиятдан қаттиқ қайғурди. Унинг кунт билан ишлаши натижасидагина эпизод тасмага муваффақиятли туширилди. Мен унинг сабр-бардошига, чидамига яна бир бор қойил қолдим".

Бу хатни Максим Мунзук 1974 йилнинг 10 октябрида ёзган эди. Ушбу эпизод "Мосфильм" киностудиясининг худдида суратга олинган. "Йўл-йўлли артист" — Россиядаги машҳур ҳайвон ўргатувчи (дрессировкачи) Запашнийнинг гуруҳидан келтирилган эди. Аслида Акира Куросава эпизодни табиат кўйида — ёввойи йўлбарс иштирокида суратга олишни мўлжаллаган. Фильмда Уссурия



Оскар олган "Дерсу Узала"



тайгасининг табиий манзаралари тасвирга олинган. Бирок, 1974 йилнинг кузи жуда совуқ келди. Дарахлар баргини одатдагидан эрта ташлади. Нима қилиш керак? Ҳали фильм ниҳоятга етмаган. Гуруҳдагилар тоқатсизлана бошлашди. Акира Куросава эса хотиржам. Бу аслида ташқаридан қараганда шундай. Режиссёр узоқ ўйлаб, тайгага сунъий барглр келтиришни буюрди. Деярли ҳамма тайгани "безаш" — дарахларга сунъий барглр қадар билан машғул бўлди. Фильмда барглрнинг сунъий эканлиги умуман билинмайди, чунки тайгани безаш учун кўп куч ва вақт сарфланган эди.

Мунзук фарзандларига "Ҳаётда ҳамма нарса асосий ҳисобланади. Ҳар қандай майда-чуйда — асосий нарсанинг бир бўлаги, ташкилий қисми. Биз бунга кўп ҳам эътибор бермаймиз. Диққат қилинса, ҳамма нарсанинг ўз ўрни бор. Ана шу майда-чуйдалар орқали биз асосий нарсаларга етамиз", деб айтишни хуш кўрарди.

Яна бир воқеа. Об-ҳавонинг ўзгариши туфайли фильмининг суратга олиш жараёни тўхта-тилган вақтларда Куросава ёлғиз қоларди. У тайганининг бутун манзарасини кўриш максатда энг қулай жойга жойлашиб олиб, ўрмон жозибасидан завқланарди. Мана шу дақиқаларда у ўзини шу табиатнинг ажралмас қисми дея ҳис қилган бўлса, ажабмас. "Дерсу Узала" фильми "Табиат — Инсон" мезони остида суратга олинган. Куросава фильм сценарийини муаллифи Юрий Нагбиндан атрофни ўраб турган табиатга, инсон ва табиат мавзусига катта эътибор беришни сўраган эди. Фильм фалсафий, гўзал бадиий восталар таъсирида жуда чиройли ишланган. Унда режиссёр энг оддий, тўғри йўл орқали инсон қалбига кириб боради. Шунинг учун ҳам фильм самимий чиққан.

Максим Мунзук баланд ово-

зи билан бошқалардан ажралиб турадиган, ўта ҳис-ҳаяжонли инсон эди. Куросава эса камгап, ҳатто тасвирга олиш майдонида ҳам паст овозда "Мотор", дея буйруқ берса ҳам, буни барча эшитарди. Мунзук бу ҳақда кейинчалик шундай деганди: "Шундай одам билан ёнма-ён туриб, бир-

ки икки қисмини кўриб, унинг номзодини Арсенев ролига тасдиқлади. Ундан "Нима учун Соломининг танладингиз?" деб сўрашганда, Акира Куросава "Соломин — ҳақиқий", дея жавоб берди. Фильмда бу саволга ҳам жавоб олиш мумкин: унда Соломин-Арсенев — саёхатчи

олим, содик дўст, ҳаққўй инсон сифатида гавдаланади.

Юрий Соломин кино соҳасида Мунзукнинг устаси бўлиб қолди.

1999 йили Тува Республикасининг Москвадаги доимий ваколатхонаси Мунзуқлар оиласига Америка киноакадемияси мукофоти ташкил топганининг 70 йиллигига бағишланган кўрсатув ёзиб олинган "Русская коллекция" видеотасмасини тақдим этди. Улар ушбу тасма орқали чет эл кинофильми қатори "Дерсу Узала" фильми ҳам нуфузли Оскар мукофоти билан тақдирланганини билишади. Мунзук ва Соломин Акира Куросава билан бирга 1976 йили ушбу нуфузли мукофотни олишлари керак эди. Аммо собик Иттифоқ кино кўмитаси мутасаддилари уларни бу қувончдан маҳрум қилишган. "Русская коллекция" кўрсатувида Юрий Соломин шундай дейди: "23 йилдан сўнг Оскар мукофотини кўлимга олишга муваффақ бўлдим. (Камерага қараб) Хурматли Мунзук! Кўрясанми, Максим Монгузюкович? (Бир кўли билан ҳайкалчани ушлайди.) Бу кўлим билан сенинг кўлингни ушлаб турибман. Сен ушбу кўрсатувида кўраётганингга ишонаман!"

Барча Мунзуқлар ушбу кўрсатуви кўриб, кўз ёшларини тўхта олишмади. Айниқса, бутун ҳаёти давомида кўплаб ташвиш, мушкулотларга учраб, уларни энга олган Максим Мунзук бўлаб йиғлади. Сўнгра бир оз тинчланиб, фарзандларидан "Дерсу Узала" фильмини кўйиб беришни сўради. Кейин эса "Русская коллекция" кўрсатувидаги Ю.Соломин гапирган жойини қайта кўрди. Бу гал уни хотиржам томоша қилди. "Мен бахтлиман... Бунинг учун яшаса бўларди... Энди нариги дунёга хотиржам кетсам ҳам бўлади".

У 1999 йилнинг 28 июлида ҳаётдан кўз юмди.

Эр-хотин Мунзуқлар туғилган кунларини ҳар йили 15 сентябрда нишонлашарди. Максим Мунзук аслида 1910 йилнинг 2 май кунини туғилган. Бунинг у кейинчалик юрдошини учратганида аниқлади. Миллати ҳақда бўлган тенгдоши унга "Отанам сен билан бир кунда туғилган эканлигимни тез-тез айтиб туришар эди" деган гапни айтди. Шунга қарамай, орадан 70 йил ўтгач, Мунзук ҳужжатларда қайд қилинган санани ўзгартирмади. Аммо йилда икки мартаба туғилган кунини нишонлашни одат қилди. Нега у ҳужжатларига туғилган кунини айнан 15 сентябрда деб ёздирган экан? Бу ҳақда сўрашганда, Мунзук: "Қорақизга бўлган муҳаббатим ва садоқатим рамзи сифатида шундай ёздирганман", дея жавоб берганди.

Бу вафодор эр-хотинлар 60 йил бирга умргузаронлик қилишди.

Абдугани АБДУРАХМОНОВ
тайёрлади
aaxabar@mail.uz

Sport



SOG'LIQ'IMIZ — BOYU'GIMIZ

ЎЗ ВАҚТИДА, ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИНГ

Ошқозон инсон организмда энг муҳим ўрин тутувчи аъзодир. Унинг иш фаолияти бузилиши жуда огир ва кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин. Ошқозон фаолияти бузилмаслиги учун доимо бир меъёрда ва ўз вақтида овқатланиш, овқат ҳазм бўлиши учун зарур бўлган хатти-ҳаракатларни бажариб туриш керак.

Ошқозон касалликларининг келиб чиқиш сабаблари турлича бўлиб, кўпинча улар тартибсиз равишда пала-партиш овқатланиш, озодаликка риоя этмаслик, ҳазм бўлиши қийин таомларни меъридан ортиқча истеъмол қилиш туфайли келиб чиқади. Баъзилар ўта иссиқ овқатларни истеъмол қилганликлари сабабли ёки, аксинча, муздек нарсаларни кўп истеъмол қилишлари оқибатида ҳам касаллик пайдо бўлади.



Қадимги Шарқ табобатида ошқозон касалликларини даволашда ҳам давтавал шифобахш ўсимликларга мурожаат этганлар. Гиёҳлардан самарали ва ўз ўрнида фойдаланиш туфайли ошқозон хасталиги ҳеч қандай асоратсиз ўз вақтида даволанган. Ибн Сино ошқозон ва ичак касалликларини даволашда бўйимодарон ўсимликлардан фойдаланган.

Ундан шифобахш дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан қайноқ сув қуйилади ва ўсимликнинг ер устки қисми қуқундан бир ошқошиқ солинади ва бир соат дамлаб қуйилади. Шу дамламадан кунига уч-тўрт маҳал овқатланишдан аввал бир ошқошиқ миқдорида истеъмол қилинади.

Ошқозон касалликларини даволашда алоэ барглари ҳам ишлатилади. Ундан дори тайёрлаш учун алоэ барглари олиб, унинг ён томонидаги тиканлари пичоқда кесиб ташланиб, илқроқ сувда иви-тилади. Сўнгра шу барглар икки бўлакдан кечкурун ва наҳорда овқатлангандан сўнг чайнаб ейилади. Бу даволаш бир ой давом этилади.

Ошқозонда қаттиқ оғриқ юз берган ҳолларда шафтолининг қуритилган (ёки қури-тилмаган) баргидан дамлаб ичиш тавсия этилади. Дамламани ичгач, бемор терла-ди ва оғриқ йўқолади.

Бу хил касалликларга чалинмай десан-гиз, аввало ўз вақтида, тўғри овқатланиш-ни қанда қилманг!

MINI-FUTBOL

ЎзААА — республика биринчилиги ғолиби

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Мусобақада Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, "Ўзбектелеком" АК терма жамоалари, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ва "Матбуот тарқатувчи" АКнинг бирлашган терма жамоаси ҳамда барча вилоятлар терма жамоалари тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда ғолиблик учун кураш олиб бордилар.

Ўз гуруҳларида биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган жамоалар чорак финалга йўл олишди. Чорак финал баҳсларида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ва Жиззах вилояти ҳамда Тошкент вилояти ва "Ўзбектелеком" АК жамоалари ўртасидаги ўйин нихоятда мurosасиз кечди. Биринчи жуфтликда барча масалани пеналти баҳслари ҳал қилган бўлса, иккинчи жуфтликда асосини "ТШТТ" филиали вакилларидан ташкил топган "Ўзбектелеком" жамоаси пойтахт вилояти шарафини ҳимоя қилган ҳамкасбларига кичик ҳисобда имкониятни бой берди.

Қорақалпоғистон — Қашқадарё — 0:3
"Ўзбекистон почтаси" — Жиззах — 3:4 (пеналти-лар бўйича)

ЎзААА — Сирдарё — 4:1
Тошкент вилояти — "Ўзбектелеком" — 3:2
 Ярим финал ўйинларида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги жамоаси мусобақага жиддий тайёргарлик кўрганани яна бир бор исботлади. Тошкент вилояти жамоаси эса ярим финалда ҳам аввалги ҳисобни қайд этиб, финал иштирокчисига айланди.

ЎзААА — Қашқадарё — 8:2
Тошкент вилояти — Жиззах — 3:2
 Учинчи ўрин учун баҳсда Жиззахлик алоқачилар қашқадарёлик ҳамкасбларига ҳеч қандай имконият қолдирмадилар.

Жиззах — Қашқадарё — 5:0

Финал ўйини барчанинг диққат-эътиборида бўлди. Рақибларини бирин-кетин мағлуб этган ушбу жамоалар гуруҳ баҳсларида ўзаро тўқнаш келишган ва баҳс 2:2 ҳисоби билан якун топганди. Шунинг учун ҳам қайси жамоанинг мусобақа ғолиби бўлишини олдиндан айтиш мушкул эди. Учрашувни кузатиш учун анчагина мухлис йиғилди. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги раҳбарлари ва бошқа фахрий меҳмонлар ҳам ўйинни беvosита кузатиб боришди. Ўйин давомида ус-туликни ўз қўлига олган Агентлик жамоаси рақиблар дарвозасига кетма-кет тўп кирита бошлади. Ўйин якун-ланганлигини билдирувчи ҳакам хуштаги чалинганда та-блода 6:1 ҳисоби қайд этилган эди.

ЎзААА — Тошкент вилояти — 6:1



Тақдирлаш маросимида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А.Арипов иштирокчиларга аjoyиб футбол намойиш этишгани учун миннатдорчилик билдирди. Шунингдек, раҳбар ходимларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари соҳа ишини ривожлантиришда ҳам муҳим туртки бўлишини таъкидлади.

Совриндорларга ҳамда турли номинациялар бўйича ғолиб деб топилган иштирокчиларга Ўзбекистон алоқа ходимлари қасаба уюмчаси марказий кенгашининг дипломлари ва қимматбаҳо совгалари топширилди.

OLIMPIADA

Барчанинг нигоҳи Туринда

10 феврал куни Туриндаги «Стадио Олимпико» стадионида ХХ кишки Олимпиада ўйинларининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Дунё бўйлаб икки миллиард киши ушбу аjoyиб томошанинг гувоҳи бўлишди. Очилиш маросимида давлат байроғини кўтариб ўтиш шарафига муассар бўлган тоғ чангичиси Қайрат Эрматов ўзбекистонлик олимпиячиларни бошлаб чиқди.

Олимпиячиларимиз 11 феврал кунинёқ баҳсларга киришишди. Фигурали учиш бўйича спорт жуфтлиги — Марина Аганина ва Артем Князев қисқа дастурда 20та жуфтлик орасида 44,02 балл тўплаб, 15-ўридан жой олди. 13 феврал куни бўлиб ўтган эркин баҳсларда эса ушбу жуфтлик 16-погонани банд этди. Фигурали учиш бўйича яна бир вакилимиз Анастасия Гимазетдинова — 21 февралда, тоғ чангичиси Қайрат Эрматов эса 20 феврал куни баҳсларга киришади.

ХХ кишки Олимпиаданинг бешинчи кунидан сўнг АҚШ спортчилари пешқадамлик қилишмоқда.

Мамлакатлар	Олтин	Кумуш	Бронза	Жами
1. АҚШ	5	2	1	8
2. Россия	4	3	2	9
3. Германия	4	2	2	8

txabar@mail.uz

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

"Ўзбектелеком" АК "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали жамоаси Миробод телефон боғламаси бошлиғи Марипжон Дадабоевга онаси

МОҲИЖАМОЛ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

МУАССИС:
Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

Бош муҳаррир:
Орифжон МУҲАММАДЖОНОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 042 рақами билан рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Иzzат АХМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Бахтиёр КУБЕЕВ
Шомаиёсир ОБИДУЖАЕВ
Миродил САБИЛОВ
Равшанбек СУЛАЙМОНОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб)
Асадожон ХУЖАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Солиқжон ҚОСИМОВ

Тахририятга келган қўлёзма ва суретлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашриямиздан кўчириб босилганда "Хабар"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тажрибй материал — ①.
Реклама матнларининг турлилигига тахририят жавобгар эмас.
Рақам ва долларларнинг ҳаққончилиги учун мақола муаллифи масъулдир.
Газетани таъбирарши Интернет материаллари ҳам фойдаланилади.

Маънавийлик: 700060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 133-36-48; 136-35-29. **Факс:** 136-36-42.
E-mail: orif@infonet.uz

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.

Маъна: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази.

Саҳифаловчи:
А.БҮРИЕВ.

Матн тереувчи:
Д.МАТҚУРБОНОВА.

Босингга топширилди — 20.00. Босингга топширилиш вақти — 20.00.

Жамоатчи мухбирларимиз:	Андижонда	Бухорода	Гулistonда	Жиззахда	Навоийда	Наманганда	Нукусда	Самарқандда	Термизда	Тошкентда	Урганчада	Фарғонада	Қаршида
	46-47-80	226-22-14	40-12-19	226-26-96	222-56-30	226-61-85	222-14-63	34-06-71	224-06-12	133-36-48	226-43-13	26-92-03	21-00-14

"7" рақами билан боғлиқ мақол ва маталлар, ҳикматли сўзлар, жўғрофий номларни учратмаган одам бўлмаса керак. Масалан, етти иқлим, етти мўъжиза, етти хазина, етти донишманд ҳақида ким эшитмаган дейсиз?

Сеҳрли рақам

Етти рақами ишлатилган мақолу маталларни ҳам ҳар қадамда ишлатамиз: "Етти ўлчаб, бир кес", "Етти бобони билган эр, етти юртинг гамини ер", "Юртидан айрилган етти йил йиғлар", "Емондан қоровул кўйсанг, ёвинг етти бўлади", "Пак-пакана бўйи бор, етти қават тўни бор", "Сув етти думаласа, ҳалол бўлади"... Бунинг устига, етти рақами билан боғлиқ жўғрофий, этнографик номлар ҳам талайгина: Еттикечув (Зомин туманидаги қишлоқ), Еттиқашқа (ўзбек қипчоқлари таркибидаги уруғлардан бири), Еттиқудқой (Ғузор туманидаги сой)...

Қизиги шундаки, етти рақамига ўчлик дунёдаги кўпгина халқларга ҳам хос экан. Дунё харитасидаги номлар бунинг исботи: Еттисув, Семипалатинск, Едикул, Еттиқудук.

Қадимда фанда Ер курраси ҳам етти иқлимга бўлинган. Масалан, Абу Райҳон Беруний асарларида бу иқлимлар тўғрисида батафсил сўз юритилган. Хоразмий жадвалида, Берунийнинг "Қонуни Маъсудий", Улуғбекнинг "Зижи Қўрагоний" асарларида ҳам жой номлари, координаталар жадвалида номлар етти иқлим бўйлаб тартиб қилинганини кўрамиз.

Айтайлик, ўша қадимги Юнонистонда ҳам дунёнинг мўъжизаси деб аталашга лойиқ нарса жуда кўп бўлган. Аммо юнонлар улардан фақат еттитаганина "мўъжиза"лар қаторига киритишади (Миср эҳромлари, Искандария маёғи, Бобилининг осма боғлари, Эфесдаги Артемида ибодатхонаси, Олимпдаги Зевс ҳайкали, Галикарнас мақбараси, Родос ҳайкали).

...Сибирда яшовчи кетлар ва бошқа халқлар тили ҳамда фольклорини ўрганган бир гуруҳ тилшуносларнинг илмий асарларидан бирида таъкидланишича, кет тилида "ҳисоб тизими шундай тузилганки, энг охири сон еттидир". Шундан кейин ясама сонлар бошланади.


Ажабо, бир қарашда, табиат "7"ни одамларга аввалбошдан ато қилгандай! Қўзда ял-ял товланган етти рангли камалакни кўриб, завқланмаган одам бормикан? Бугун эса оддий нур ҳам шаффоф призмадан, масалан, сув буғлари орасидан ўтказилса, таркибий қисмларга ажралиб, 7 хил рангда жилоланишини яхши биламиз. Мусикада ҳам товуш етти нотада ифодаланади: до, ре, ми, фа, сол, ля, си.

Ота-боболаримиз дунёда одамни боқадиган ва бой қиладиган 7 хазина бор деб ҳисоблашган (сигир, асалари, ипак қурти, обжувоз, тегирмон, ўрмон, парранда). Баъзи халқларда эса байрам дастурхонини 7 хил нъмат билан безаш азалдан расм бўлган.

"7"нинг кичик ҳам, қатта ҳам эмаслиги — унинг ўзига хос бир мезонга айланиб қолишига сабаб бўлган бўлса ажаб эмас. Шунинг учун "7"нинг бунчалик узоқ тарихга эга эканлигини етти ухлаб тушида кўрмаган одамлар ҳам қундалик турмушда бу сонни беихтиёр равишда ишлатаверганлар. Хатто, мумтоз поэзиямиз ҳам мана шу қоидадан четда қолмаган. Забардаст олим ва файласуф шоир Мақсуд Шайхзоданинг шу хусусдаги сўзларини келтириш ўринлидир: "Мумтоз газалларимизнинг энг кўпи билан етти байтдан ошмаслигида буюк ҳикмат бор. Узун шеърларда лирик ҳарорат сўйиб кетишини аждодларимиз яхши тушунганлар..."

И.ОМОНОВ тайёрлади

КРОССВОРД



ЭНИГА:

5. Ёзилиши бир хил, аммо маъноси ҳар хил бўлган сўзлар. 6. "...-ут тайр" — Фаридуддин Аттор асари. 10. Ямандаги шаҳар. 11. Сув сақлаш учун махсус қурилган гўмбази ҳовуз. 12. Буржлардан бири. 16. Қуш ва мева номи. 17. Смоласимон нефт моддаси. 19. Дунёнинг "томи"да жойлашган давлат. 20. Сайёраимиздаги энг улкан кўл. 21. Ҳашарот. 25. Шаҳс (предмет) ёки унинг белгисини кўрсатувчи сўз туркуми. 26. Россия футбол жамоаси. 27. "...и ҳалолнинг юзи ёруғ" (мақол). 31. 1913-1915 йилларда Самарқандда чоп этилган жадидлар журнали. 32. Французлар ва инглизлар ҳамкорлигида ишлаб чиқарган самолёт русуми. 34. Жорж ... — француз адибаси (асл номи Аврора Дюпен). 35. Автомобилларга бензин текин қуйиладиган мамлакат. 36. Халқ кўйиғи.

БЎЙИГА:

1. Утмишда давлат аҳамиятига молик ва шошилинч хабарларни етказувчи отлик. 2. Шимолий Италиядаги йирик шаҳар. 3. Швед авторусуми. 4. Чаён. 7. Оддий, жўн, содда. 8. ... Зиёмухаммедова — актриса. 9. Болтикбўйидаги шаҳар. 13. Чингизхоннинг иккинчи ўғли. 14. "...нинг оти — қўрқоқ" (мақол). 15. Адабиёт йўналишида Нобел мукофотини олган инглиз давлат арбоби. 18. Ягона, ноёб, нодир. 22. Қандолат маҳсулоти. 23. Томатдошларга мансуб бир йиллик ҳамда кўп йиллик ўсимлик. 24. Қамокхона (қадимда). 28. Чилонжийда. 29. Адабий жанр. 30. Кемирувчилар синфига мансуб тиканли жонивор. 33. Немис автомобили.

ЖАВОБЛАР ЭНИГА: 5. Омичин, 6. Мантик, 10. Адан, 11. Сардоба, 12. Сарв, 16. Киин, 17. Гўдон, 19. Непал, 20. Давлат, 21. Нинин, 25. Уран, 27. 17, 27, 31, 32. Французлар ва инглизлар ҳамкорлигида ишлаб чиқарган самолёт русуми. 34. Жорж ... — француз адибаси (асл номи Аврора Дюпен). 35. Автомобилларга бензин текин қуйиладиган мамлакат. 36. Халқ кўйиғи.

MASHNURLAR HAYOTIDAN

—Менинг эрим буюкларнинг буюғи! — мактанди **ЭЙНШТЕЙН**нинг рафикаси.
— Кўлидан нима иш келади? — деди дугонаси.
— Пул топишдан бошқа ҳамма нарса...

Д'АКОСТА Португалиядан Россияга жўнаб кетаётганида, кўзатувчилардан бири унга қалтис савол берди:

— Отанг, бобонг ҳамда бобокалонинг денгизда чўкиб ўлганлигини била туриб, кемага чиқишдан қўрқмайсанми?
— Кечирасан, ўзининг аждодларинг қай йўсинда оламдан ўтишган? — сўради Д'Акоста: ўз навбатида.
— Иссик тўшақларида, тинчгина, — мағрур жавоб қайтарди суҳбатдоши.
— Ундай бўлса, айт-чи, азизим, — деди машҳур қизиқчи суҳбатдошига, — ўзинг ҳар кеча тўшаққа кириб ётишга қандай журъат қиласан?


ГАЛИЛЕЙ ўзи кашф этган термометрини симоб ёки спирт билан эмас, шароб билан тўлдирди-да, улардан бирини Англиядаги дўстига юбораркан, телеграммага асбоб ҳақидаги маълумотномани ҳам қўшиб қўйди. Маълумотнома йўлда йўқолиб қолганими ёки дўсти уни тушунмаганими, ҳар тугул Галилейга қутилмаган жавоб келди:

"Шароб ажойиб экан! Илтимос, шундай асбобга солиб, яна шароб юбор!"

Шахмат ўйнаб туринг

БЕРНАРД ШОУ овқат маҳали мусика эшитишни ёқтирмасди. Бир куни ресторанда у зиёфат авжида дирижёрга мурожаат қилди:

— Марҳамат қилиб, менинг илтимосимни бажарсангиз!
— Бош устига, жаноб! — деди илтифотдан яйраб кетган дирижёр.
— Ундай бўлса, мен тушлик қилиб бўлгунимча, бир кўл шахмат ўйнаб туринг!



СУҚРОТдан шогирдлари сўрашди:

— Никоҳ бекаму-кўст бўлмаганинг неча шарты бор?
— Иккита, — жавоб берди Суқрот, — эр — қар, аёл эса — кўр бўлмоғи лозим.

Меҳмонхонадан чиқаркан, **ЧАРЛИ ЧАПЛИН** ресторан оғаси чўнтагига чойпули деб 20 франк солиб қўйди.

Эшик оғаси хафа бўлиб, артистга деди:
— Утган сафар менга 40 франк бериб, соғлигим учун ичсангиз деган эдингиз...
— Бугун мен ўзимни анча яхши ҳис этяпман, — деб жавоб берди артист.

НЮТОНга илмий кашфиётлари учун "Лорд" унвони берилибди. Палата мажлисларида йигирма олти йил ўтириб зериккан олим шу йиллар мобайнида фақат бир марта сўз олиб, шундай деган экан:

— Жаноблар! Агар эътироз билдирмасангиз, деразани ёпиб қўйишни тақлиф қилмоқчиман. Елвизак эсяпти, шамоллаб қолишдан қўрқаман.